Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

3 (487) ● 2018 йил 17 январь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ЭЛЧИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 16 январь куни мамлакатимиздаги дипломатик миссиясини якунлаётган Хитой Халқ Республикасининг Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзени қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Хитой элчисининг фаолияти самарали бўлгани ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

2017 йил май ойида ХХРга амалга оширилган олий даражадаги ташриф ва икки давлат раҳбарлари эришган келишувлар Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва уни аниқ мазмун билан бойитиш имконини бергани таъкидланди.

Турли даражадаги алоқалар, жумладан, парламентлар ва минтақалараро муносабатлар фаоллашди. Томонлар бир-бирини халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам қўллаб-қувватламоқда.

Ўзаро савдо ҳажми изчил ортиб бормоқда. 2017 йил якунларига кўра, товар айирбошлаш ҳажми 4,5 миллиард долларга етган. Гидроэнергетика ва нефть-газ тармоғи, транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида юқори технологияли ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш соҳаларида йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Муҳим минтақавий транспорт йўлаклари – "Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой" автомобиль ва темир йўлларини ривожлантириш бўйича ҳамкорликдаги ишлар бошлаб юборилган.

Маданий-гуманитар, илмий ва таълим соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда.

Ўз навбатида, Хитой элчиси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Дипломат Хитой ўзаро муносабатларга муҳим аҳамият қаратаётгани, Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой элчисининг ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссасини инобатга олиб, Сунь Лицзега Ватанимизнинг юксак давлат мукофоти – "Дўстлик" орденини топширди.

Элчи Сунь Лицзе давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга унинг фаолиятини юксак баҳолагани ва "Дўстлик" ордени билан мукофотлагани, шунингдек, Ўзбекистонда Хитой дипломатик миссияси фаолиятига берилаётган ҳар томонлама кўмак учун самимий миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда бундан буён ҳам фаол иштирок этиш мақсадида эканини таъкидлади.

Тақдирлаш маросимида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

**ЎзА**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## МАМЛАКАТНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ЯНАДА ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш ва соддалаштириш, талаб юқори бўлган озиқ-овқат товарларини импорт қилишда тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, носоғлом рақобат, озиқ-овқат маҳсулотлари импортининг айрим хўжалик юритувчи субъектлар томонидан монополлаштирилиши, сунъий тақчилликни юзага келтириш ва баъзи товарлар учун нарх-навонинг асоссиз оширилиши, оқибатда, бу асосда қўшимча фойда олиш учун шарт-шароитлар яратувчи жиддий тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда.

Бозорда айрим импорт қилувчиларнинг устун мавқега эга бўлишига улар учун индивидуал имтиёз ва преференцияларнинг тақдим қилинганлиги, уларнинг фаолияти учун эксклюзив шароитлар яратилганлиги кўмаклашган, бу эса бошқа тадбиркорлик субъектларининг бозорга кириш имкониятини чеклашга олиб келмоқда.

Мазкур соҳада юзага келган вазият ишчанлик фаоллигини ва Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлигини пасайтиради, халқаро майдонда мамлакатнинг обрўсига жиддий зиён етказади.

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш мақсадида:

1. 2018 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикасига озиқ-овқат товарларини импорт қилиш бўйича айрим хўжалик юритувчи субъектларга тақдим қилинган индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференциялар бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан республикага озиқ-овқат товарларини олиб кириш бўйича айрим хўжалик юритувчи субъектларга индивидуал божхона, солиқ ва бошқа имтиёзлар, шунингдек, бошқа преференциялар тақдим этишни назарда тутувчи қарорларнинг қабул қилиниши тақиқлансин.

Белгилансинки, ушбу банд талаблари бузилган ҳолларда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи савдо вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, "Ўзстандарт" агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" ХК, Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси, Республика универсал агросаноат биржаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа ташкилотлар билан биргаликда бир ой муддатда:

2-бет

## ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасининг асосий мазмуни ва моҳиятини кенг хорижий жамоатчиликка етказиш бўйича матбуот анжумани ташкил этилди. Унда хорижий ва миллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.***

Тадбирда Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари С.Отамуродов, ташқи ишлар вазири ўринбосари С.Ниёзхўжаев ва "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори А.Бурҳонов 2017 йил халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишлари, ҳаётий муаммоларини самарали ҳал этиш бўйича янги тизим яратилган йил бўлганига алоҳида эътибор қаратди. Бу тизимнинг асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда.

Ана шу қабулхоналарга бир ярим миллиондан зиёд фуқаро мурожаат қилгани ва йиллар давомида ҳал этилмаган муаммолар ижобий ечилгани Ўзбекистонда халқ ҳокимияти амалда кенг жорий этилаётганини кўрсатмоқда. Жойларда раҳбарларнинг йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезлик билан бартараф этиш юзасидан шахсий жавобгарлиги кучайгани мазкур тизимнинг муҳим натижаси бўлди.

– Президентимизнинг "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган ғояси асосида мамлакатимизда халқ билан мулоқотнинг ўзига хос тизими яратилди, – дейди Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев. – Халқ билан мулоқотнинг бундай кенг кўламда жорий этилгани аввал амалиётда учрамаган тизимдир.

Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси фақат парламентга эмас, балки бутун халқимизга мурожаати бўлди. Бу жуда кенг кўламли, том маънодаги халқчил маъруза халқ билан мулоқот қилишнинг яна бир ўзига хос шакли бўлди.

2-бет

**Депутатлик назорати**

## ЎзМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ТИББИЁТ ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ ЎРГАНМОҚДА

***Жамият ҳаётининг барча соҳасини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёни изчил давом этаётган бугунги кунда одамлар ҳаёти, турмуш тарзида учраётган муаммолар, ечимини кутаётган масалалар аҳоли билан бевосита очиқ мулоқот орқали муҳокама қилиниб, ўз ечимини топмоқда. Шу боис бугун юртдошларимизнинг кайфияти, ташаббускорлик ва яратувчанлик иштиёқи тобора юксалиб бораётир. Энг муҳими, улар давлат ва жамоат ташкилотларига халқ дардини эшитувчи, улар муаммосига ечим топишга кўмаклашувчи идора сифатида ишонч билан қарамоқда. Айни шу жараёнда сиёсий партиялар, уларнинг парламентдаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этишга интилаётир.***



Шу кунларда парламент аъзолари, жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутатлар жойларда аҳоли билан учрашиб, очиқ мулоқот олиб бормоқда. Очиқ мулоқотлар давомида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларига эътибор қаратилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилмоқда. Аҳоли ичига кириб, уларни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш, турли соҳа ва йўналишдаги муаммоларни жойида ҳал қилиш, айрим масалалар юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга депутатлик сўрови ва мурожаатлар юбориш учрашувларнинг асосий мазмунини ташкил этаётир.

2-бет

**Мурожаатнома — фаолиятимиз асоси**

## ҲАЁТИМИЗНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАН КУЧ

### ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИ МУРОЖААТНОМА ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛМОҚДА

***Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳаётнинг барча соҳасини янада ривожлантиришга қаратилган, аниқ мақсад-вазифалар, устувор йўналишларни қамраб олган дастуриламал ҳужжатдир. Шу боис мазкур Мурожаатноманинг мазмун-моҳияти, аҳамияти жойларда чуқур таҳлиллар асосида ўрганилмоқда, кенг тарғиб этилмоқда.***

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотларида ҳам Президент Мурожаатномаси ўрганилиб, унинг ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режаси белгилаб олинаётир. Партия Самарқанд шаҳар кенгаши ташаббуси билан ҳудуддаги Боғишамол саноат касб-ҳунар коллежида ташкил этилган давра суҳбати ҳам ана шундай мақсадга қаратилди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномаси том маънодаги тарихий воқеа бўлиб, мамлакатимиз ривожини янги босқичга кўтариш, халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани, жаҳон ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотаётганини алоҳида таъкидлади.

Партия шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчисининг таъкидлашича, Президентимиз Мурожаатномаси барчамизни ягона мақсадга бирлаштирувчи, илғор ва амалий ғоя ҳамда ташаббусларни амалга оширишга замин яратувчи, пировардида ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришишга ундовчи ҳужжат сифатида муҳим аҳамиятга эга.

3-бет

**Муҳокама мукаммалликни таъминлайди**

## ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

***Президентимизнинг 2017 йил 28 декабрдаги "2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши ижроси доирасида "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан қизғин ўрганилмоқда ва муҳокама қилинмоқда. Қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш ва либераллаштиришга хизмат қиладиган давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ўз ичига олган Давлат дастури лойиҳаси юзасидан кўплаб фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилмоқда. Бу эса юртдошларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга бефарқ эмаслиги, келгусида режалаштирилаётган чора-тадбирлар ҳар томонлама пухта ва мукаммал ишлаб чиқилишидан далолат беради.***

4-бет

**Бугуннинг гапи**

## БОЛАЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН КИТОБЛАР

### ЧИНДАН ҲАМ УЛАРГА МОСМИ?

***Умрида ҳафсала қилиб қўлига китоб тутмаган бир ошнам бор. Ҳар сафар қишлоққа борсам, унинг уйига бирров бош суқаман…***

Бу гал ҳам шундай бўлди: ошнамни йўқлаб уйига бордим. Салом-алик, ҳол сўрашишдан кейин у "бир дақиқа", деб ташқари чиқиб кетган эди, хонага унинг мактабда ўқийдиган укаси кириб келди. Ўқишини, ишларини сўраган бўлдим. Охирида ҳар доимги саволимни бердим:

— Ҳозир қайси китобни ўқияпсан?

Бола бироз тортиниб турди-да:

— Акам ўқиётган китобни, — деди.

Ҳайрон қолдим: акаси ҳеч китоб ўқимасди. Азбаройи қизиққанимдан у қандай китоблигини суриштириб кетдим. Номини сўрасам, аниқ эсголмади. Кейин бироз хижолатомуз қўшиб қўйди: "уятсиз китоб экан". Ҳайратим ўн чандон ошиб, шошиб сўрадим:

— Қани, опкел-чи ўша китобни.

Бола югуриб кетди-да, қўлида китоб билан қайтиб келди. Қарасам, муқовасида ҳашаматли уй, машина ва сочилиб ётган ўйин карталари атрофида кўкраги ярим яланғоч аёл сурати тасвирланган…

6-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр кўрсаткичи — 158

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

# МАМЛАКАТНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ЯНАДА ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

2018 йилга озиқ-овқат маҳсулотларини ташувчиларни излаб топиш ва жалб қилиш, улар учун бозорга киришда тенг шароитлар яратиш, уларга шартномалар тузиш, киритилган маҳсулотларни ташиш ва сақлашда кўмаклашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар, шунингдек, аҳолининг сифатли, арзон озиқ-овқат товарларига бўлган талабини тўлиқ қаноатлантиришга қаратилган бошқа чора-тадбирларни ишлаб чиқишни;

республиканинг барча ҳудудларида давлат-хусусий шериклик шартларида ихтисослаштирилган омборхона иморатлари, омборлар, музлатиш камералари, озиқ-овқат товарларини қайта ишлаш ва қадоқлаш бўйича замонавий юқори технологик, энергия самарадор ускуналарни ташкил этишни таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 февралдан бошлаб:

истеъмол товарларини республика товар-хом ашё биржаларида сотиш (сотиб олиш)га тақиқ бекор қилинади;

шакар ишлаб чиқарувчилар 2019 йил 1 январга қадар муддатга импорт хом ашёси асосида ишлаб чиқарилган ҳажмлар қисмига қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилинади;

истеъмол товарларини товар-хом ашё биржаларининг очиқ электрон савдоларида сотиш (сотиб олиш) учун улгуржи савдони амалга оширишга лицензия мавжудлиги талаб этилмайди;

улгуржи савдога лицензия олишда энг кам иш ҳақининг 3500 баравaридан кам бўлмаган миқдорда, шундан пул маблағлари энг кам иш ҳақининг 1200 баравaридан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилган устав фонди мавжудлиги ҳақидаги талаб бекор қилинади;

ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари турларини Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан импорт қилиш истисно ҳолларда ва фақат товар-хом ашё биржалари, жумладан, хорижий биржаларнинг очиқ электрон савдолари тизими орқали амалга оширилади;

озиқ-овқат маҳсулотларининг режалаштирилаётган хариди, Жамғарма маблағлари тушуми ва харажатлари тўғрисидаги батафсил ахборот ҳар ой Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида эълон қилиб борилади;

биржа брокерлари тижорат банкларига мижоз — норезидент номидан товар-хом ашё биржасининг очиқ электрон савдоларида маҳсулотларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютани сотиб олиш (сотиш)га талабнома бериш, норезидент — юридик шахслар эса Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида ҳисоб рақамлари очиш ва товар-хом ашё биржасининг очиқ электрон савдоларида маҳсулотларни сотишдан олинган маблағлар ҳисобидан хорижий валютани сотиб олиш (сотиш)ни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Бош прокуратура, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

Жамғарма маблағлари ҳисобидан ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш тартибини чайқовчилик ва бошқа суиистеъмолчилик ҳолларига имкон бермайдиган чораларни назарда тутган ҳолда белгилаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳаси;

бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аграр комплексни ривожлантириш, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш, озиқ-овқат бозори барқарорлигига таҳдидларни ўз вақтида бартараф этиш, озиқ-овқат товарлари импортини қулай божхона-тариф тартибга солиш бўйича чораларни белгиловчи "Озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

5. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 мартга қадар муддатда товар-хом ашё биржалари томонидан фойдаланилаётган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ахборотдан эркин фойдаланиш ва унинг очиқлиги, жумладан, маълумотларни чет тилларда (рус, инглиз тиллари) жойлаштириш, амалга оширилаётган операцияларнинг шаффофлигини, шунингдек, ўтказиладиган электрон савдоларга аралашиш ва уларнинг натижаларини бузиб кўрсатиш имкониятини истисно этишни назарда тутган ҳолда тубдан такомиллаштиришни таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда озиқ-овқат товарларига божхона тўловлари ставкалари, божхона тартиб-таомиллари ва республика божхона чегараси орқали товарларни ташиш тизимининг танқидий ўрганилишини ҳамда божхона тўловлари ставкаларини оптималлаштириш, ортиқча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, жумладан, тартиб-таомилларни "ягона дарча" тамойили асосида расмийлаштиришга ўтиш орқали товарларнинг божхона расмийлаштируви тартиб-таомилларини максимал соддалаштириш ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш харажатларини қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда чакана савдо ва хизматлар кўрсатишни тартибга солувчи қонунчиликни ортиқча тўсиқ ва ғовлар, давлат томонидан тартибга солишнинг асоссиз чораларини бартараф этиш нуқтаи назаридан танқидий таҳлил қилсин, шунингдек, натижалари бўйича мазкур соҳани тубдан такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин;

озиқ-овқат товарлари нархини пасайтириш ва барқарорлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдаги сансалорлик ва бюрократияни бартараф этиш, шунингдек, республикада ишчанлик муҳитини яхшилаш бўйича асослантирилган таклифлар киритиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари, жумладан, аҳамиятга молик озиқ-овқат товарларини экспорт ва импорт қилувчилар, чет эллик инвесторлар ва хорижий ҳамкорлар билан доимий асосда мунтазам очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотларни ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа идораларнинг ахборот маълумотлар базаларидан масофадан туриб фойдаланиш имкониятини яратсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари божхона тартиб-таомилларини амалга оширишда сунъий тўсиқлар яратиш, сансалорлик ва суиистеъмолчилик ҳолатларига йўл қўйганлик учун шахсий жавобгарлиги ҳақида қатъий огоҳлантирилсин.

9. 2019 йил 1 январга қадар муддатга божхона тўловлари тўлашдан озод қилинадиган (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) озиқ-овқат маҳсулотлари ва хом ашёларнинг айрим турлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги "Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 257-сон қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 16 январь

# ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Мурожаатномадан кейин турли соҳа ва касб эгалари, оддий фуқаролар унга муносабатини билдирди ва бу жараён ҳали давом этмоқда. Бунинг боиси унда ҳаётимизда мавжуд бўлган ютуқ ва камчиликлар рўй-рост баён қилингани, келгусида амалга ошириш зарур бўлган вазифалар аниқ қўйилгани билан боғлиқ.

Мурожаатнома янги уйғониш даври бошланганидан дарак берди. Шунинг учун ҳам бу нафақат халқимиз, балки бутун дунё жамоатчилигининг эътиборини тортди.

Тадбир иштирокчилари ислоҳотлар инсон манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятга эга экани, уларни амалда таъминлаш бугунги куннинг вазифаси эканини таъкидлади. Бу жараёнда жамоат назорати институти имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, қонун ижодкорлиги борасида кўп иш қилиш, қабул қилинаётган қонунларнинг таъсир кучини ошириш, аҳолига энг зарур бўлган соғлиқни сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида таъсирчан механизмлардан фойдаланиш зарур. "Менинг фикрим" веб-портали яратилиши жойлардаги аҳолини қизиқтираётган ва қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишда муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида мамлакатимизга жалб қилинадиган инвестициялар оқимини кучайтириш муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида хорижий давлатлардаги элчихоналар фаолияти тубдан такомиллашади.

Анжуманда 2018 йилги Давлат дастури лойиҳасининг кенг муҳокамаси билан боғлиқ масала бўйича ахборот берилди. Қисқа вақтда аҳолидан 4,5 мингга яқин фикр-мулоҳаза ва таклифлар келиб тушган. Бу 2017 йилги Давлат дастури лойиҳаси муҳокамаси жараёнидагига нисбатан уч баробар кўпдир. 2018 йилнинг 20 январигача бўлган муддатда жамоатчилик муҳокамаси натижалари ва келиб тушган таклифлар таҳлили асосида Давлат дастурининг такомилига етказилган лойиҳаси тасдиқлаш учун киритилади.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Депутатлик назорати**

< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

**Муаммоларга ўша жойнинг ўзида ечим изланяпти**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов Жиззах вилоятида аҳоли хонадонларида бўлиб, улар билан очиқ мулоқот қилди, мавжуд муаммоларга ечим топиш, фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш, бу борада давлат органлари ва мансабдор шахслар масъулиятини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Партия раҳбари дастлаб Мирзачўл туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолати, тиббиёт, таълим ва мактабгача таълим муассасалари фаолияти билан танишди. Соҳаларда мавжуд муаммоларни ўрганиб, бу борада аҳоли фикр-мулоҳазалари билан қизиқди, камчиликларни ўз жойида ҳал этиш чора-тадбирларини кўрди. Хусусан, Мирзачўл тиббиёт бирлашмасидаги мавжуд ҳолат, муассасанинг моддий-техник базаси, аҳоли учун яратилган қулайликларни ўрганди.

Ўрганиш натижасида Мирзачўл тиббиёт бирлашмаси жойлашган бинони мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, қўшимча тез тиббий ёрдам, лаборатория, қон қуйиш ва марказий стериллаш бўлимлари ва ошхона учун қўшимча бинолар қуриш, юқумли касалликлар бўлими атрофини ўраш каби муаммо ва камчиликлар аниқланди. Мутасадди идора ва ташкилотлар — Жиззах вилоят ҳокимлиги, Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мазкур тиббиёт бирлашмаси муассасаларини ичимлик суви билан таъминлаш, туман кўп тармоқли поликлиникаси учун 350 ўринга мўлжалланган янги поликлиника биноси қуриш, туғруқ комплекси ва шошилинч тиббий ёрдам станциясини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш, тумандаги тиббиёт муассасаларига малакали кадрларни жалб этиш масалаларига масъул этиб белгиланди.

Шунингдек, тумандаги 3-умумтаълим мактаби ҳам ўрганилди.

— 850 ўқувчига мўлжалланган ўқув муассасамизда 502 ўқувчи таҳсил олади, — дейди умумтаълим мактаби директори Мавлуда Усмонова. — Ушбу бино1972 йилда қурилган бўлиб, шу вақт оралиғида бирор марта ҳам таъмирланмаган. Синф хоналари ҳашар ва ҳомийлар кўмагида бир неча бор жорий таъмирланди. Аммо, "эскини ямасанг, эсинг кетади", деганларидек, кузқиш мавсумида яна эски ҳолича қолиб кетади. Парламант аъзоларининг мактабимизга ташрифи биз учун айни муддао бўлди. Мактабимизни мукаммал таъмирлашни давлат дастурига киритилишида кўмак сўрадик.

Тумандаги 7-мактабгача таълим муассасаси ўрганилганда, унинг ҳам 1977 йилдан буён таъмирга муҳтожлиги, иситиш тизимининг маромида эмаслиги, маҳсулот сақлаш омборхонасига эҳтиёж борлиги аниқланди.

Фракция раҳбари тумандаги ёшлар билан учрашувлар ўтказиб, улар билан самимий мулоқотда бўлди. Ўқиш ва иш шароитлари билан танишди, ёшларнинг турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишидан асраш, бу борада ота-оналар, таълим муассасаси, маҳалла масъулиятини ошириш, ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, навқирон авлод вакилларига Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга Мурожаатномасида ёшлар билан боғлиқ вазифалар мазмун-моҳиятини тушунтириб, ундаги кенг қамровли вазифалар ижросига юртимизнинг ҳар бир фуқароси масъул эканини таъкидлади.

**Мактабгача таълим муассасалари аҳволи ўрганилди**

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳволини ўрганиш мақсадида ҳудудлар аҳолиси билан учрашиш, уларни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошчилигида бир гуруҳ депутатлар Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида бўлди.

Эътиборли жиҳати, бу галги учрашувлар давомида депутатлар муаммони нафақат ўрганиш, балки уларнинг ечимида амалий кўмак кўрсатишга эътибор қаратди. Бу, албатта, бежиз эмас. Чунки учрашувлардан асосий мақсад — ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳволини ўрганиш, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳудудларда муваффақиятли рўёбга чиқарилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни тизимли ва ҳар томонлама ўрганиш, умумлаштириш ҳамда ишлаб чиқиш, мазкур чора-тадбирларнинг ижроси устидан таъсирчан назоратни, жумладан, парламент ва депутатлик назоратини амалга оширишдан иборат.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга, жойларда ташкил этилган секторларга ҳудудларни ривожлантиришнинг долзарб вазифаларини ҳал этиш, аҳолини ташвишлантираётган муаммолар ҳамда камчиликларга ечим топишида амалий кўмак кўрсатиш улар фаолиятининг устувор йўналишидир.

Депутатлар Нуробод туманида 5, 6 ва 8- мактабгача таълим муассасаси ҳамда туман марказий шифохонасида бўлиб, у ердаги ҳақиқий аҳвол билан танишди. Ўрганиш жараёнида 5 ва 6- мактабгача таълим муассасаларининг биноси бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги аниқланди. Ушбу муассасаларни қайта қуриш, 8-мактабгача таълим муассасасини эса янги жиҳозлар билан таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилди.

— Учрашувлардан кўзланган асосий мақсад — ҳудудларда барча соҳа ва йўналишдаги аҳволни яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, тизимли муаммоларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш, қонун ҳужжатларининг қўлланиш амалиётини ўрганиш, уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат, — дейди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Азамат Пардаев. — учрашув ва ўрганишлар натижасида асосий эътиборни туман аҳолиси учун зарур бўлган тиббиёт муассасалари ҳамда таълим масканлари фаолиятига қаратяпмиз. Чунки фарзандларимиз тарбиясида мактабгача таълим муассаси ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Уларда шароит ва имкониятлар етарли бўлса, ўғил-қизларимиз ҳар жиҳатдан етук бўлиб вояга етади, юртимиз келажаги учун муносиб ҳисса қўшади. Шу боис мактабгача таълим муассасаларида аниқланган камчилик ва муаммоларни жойида ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз.

# ЎЗМТДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ
## ЖОЙЛАРГА ЧИҚИБ КАМЧИЛИК ВА МУАММОЛАРНИЎРГАНМОҚДА

Депутатлар туман марказий шифохонаси ва тез тиббий ёрдам бўлими фаолиятини ҳам ўрганди, бу ерда яратилган шароитлар, тиббий хизмат сифати, тез тиббий ёрдам кўрсатиш ҳолати билан танишди, беморлар билан юзма-юз мулоқотда бўлди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Азамат Пардаев тумандаги газ ва электр таъминоти, ички йўллар ҳолати, аҳолини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш билан боғлиқ аксарият аҳоли мурожаатларини жойида ҳал этди. Жумладан, "Пўлатчи" ҳамда "Нурбулоқ" маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолисининг мурожаатлари ечимига "Ўзтрансгаз", туман электр тармоқлари корхонаси мутасаддилари жалб қилинди.

**Соғлиқни сақлаш соҳаси доимий эътиборда бўлади**

ЎзМТДП фракцияси аъзоси Феруза Ибрагимова Бухоро вилояти Ромитан туманида бўлиб, аҳолини қизиқтираётган масалалар, ҳудуддаги мавжуд муаммолар билан танишди, корхона ва ташкилотларнинг ҳолатини ўрганди.



Депутат асосий эътиборни тиббиёт муассасалари фаолиятига қаратди. Туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда кўп тармоқли поликлиникаси, 38-, 39-, 40-, 41-, 42- қишлоқ оилавий поликлиникаларида бўлиб, уларда яратилган шароит, қулайликлар билан танишиб, муаммоларни ўрганди.

Ўрганиш давомида соҳа ходимларига давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазмун-моҳияти, унинг халқимиз ҳаёти, соҳалар ривожидаги аҳамияти ҳақида ҳам кенг маълумот берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси тузилгани ва янги қўмитанинг таркиби сайланиб, айни кунларда фаолиятини бошлаганини қайд этди.

Туман марказидаги кўп тармоқли поликлиника фаолиятини ўрганган депутат хоналар тўлиқ таъмирдан чиққани, аҳолига қулай шарт-шароит яратиш мақсадида кутиш залларида ўриндиқлар ўрнатилгани ва жиҳозланганлигига гувоҳ бўлди. Аммо поликлиникада ҳалигача электронлаштириш — ички тармоқ хизмати ўрнатиш ишлари охирига етказилмагани аниқланди.

— Оилавий поликлинакамиз қулай бинода жойлашган, унинг моддий-техник базаси ҳам талаб даражасида, — дейди 39-оилавий поликлиника бош шифокори Маҳбуба Умирова. — Тиббиёт муассасамиз 10 минг 564 нафар кишига хизмат кўрсатади. Патронаж хизмати қатъий режа асосида амалга оширилмоқда. Шифокорларимиз хонадонларда бўлиб, аҳолини сифатли текширувдан ўтказмоқда. Аммо ушбу хизмат учун зарур бўлган 16 патронаж сумкасидан 11 таси 2006-2007 йилларда берилган: уларни янгилаш зарурати мавжуд. Биз депутатга мана шу масалада кўмак сўраб, мурожаат қилдик.

Таъкидлаш жоиз, мазкур поликлиника қошида тез тиббий ёрдам маркази қурилиб, фойдаланишга топширилган. Тез ёрдам машиналарини ёқилғи билан таъминлаш тизимли йўлга қўйилган. Улар барча умумий талабларга асосан жиҳозланиб, дори-дармон билан таъминланган. Дори воситалари, анализ лаборатория реактивлари таъминотини молиялаштириш ижобий ҳал этилмоқда.

— Учрашув давомида аҳолининг бандлик, уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш борасидаги мурожаатларининг айримларини жойида, айримларини эса тегишли идораларга депутатлик сўрови юбориш орқали ҳал этишга ҳаракат қилдик, — дейди Феруза Ибрагимова. — Аҳоли билан юзма-юз мулоқотларимиз давомида бугун улар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан мамнун эканликларини билдиришди. Энг муҳими, улар ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билади, малакали таълим, сифатли тиббий хизмат кўрсатиш борасида ўринли талаб ва истаклар билдирмоқда, ўз ҳаёти ва фарзандлари келажагига бефарқ эмас.

Ўрганишлар жараёнида тумандаги 38-Ўтабек, 40-Шўрча, 41-Қалайчорбоғ ҳамда 42-Қўрғон қишлоқ оилавий поликлиникалари ҳудудда газ босимининг пастлиги сабабли аосан кўмир печлардан фойдаланиб келаётгани аниқланди. Бу муаммони ҳал этиш юзасидан амалий кўмак кўрсатилди.

ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг тумандаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, жойларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш борасидаги ўрганишлари давом этмоқда.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Мурожаатнома — фаолиятимиз асоси

# ҲАЁТИМИЗНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАН КУЧ

## ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИ МУРОЖААТНОМА ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛМОҚДА

**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Она Ватанимиз тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётган ҳар бир юртдошимиз учун мазкур Мурожаатнома ўзига хос ҳаётий дастур бўлиб хизмат қилади. Ушбу ҳужжатда ёш авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муҳим фикрлар билдирилган. Бу, ўз навбатида, партия сайловолди Платформасида белгиланган кенг дунёқараш, замонавий фикрлайдиган баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган мақсад-вазифалар билан ҳамоҳангдир.

Давра суҳбатида Мурожаатномада белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан таклиф, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

* * *

**Андижон.** Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида барча соҳа ва бўғинда ишлаётган кадрларни халқ манфаати йўлида виждонан хизмат қилишга ва одамларни рози қилишга даъват этди. Бу ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Партиянинг Андижон вилоят кенгаши Мурожаатноманинг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, ундан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олиш ҳамда Давлат дастури лойиҳасини муҳокама қилиш мақсадида давра суҳбати ташкил этди.

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида ЎзМТДП ва унинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларидан алоҳида фаоллик талаб этилиши таъкидланди. Хусусан, Мурожаатномада давлат бошқарувини ҳаддан ташқари марказлаштиришдан воз кечиш, кўпгина ваколатларни марказий давлат органларидан ҳудудий органларга ўтказиш вазифаси қўйилди. Бу механизмнинг ҳар томонлама шаффоф ва самарали ишлаши учун маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада уларнинг роли, ваколатлари оширилди.

— Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада ҳар бир соҳани алоҳида таҳлил этар экан, халқимизни қийнаётган, тараққиётимизга ғов бўлаётган муаммолар ҳақида очиқ гапириб, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатди, — деди ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши раиси Ҳамиджон Омонов. — Сохта рақамлар эмас, аччиқ бўлса-да, ҳақиқий кўрсаткичлар кераклигини таъкидлади. Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қарамасдан, аҳолининг муаммоларини тизимли ўрганиш, уларни ҳал этиш, айниқса, ижтимоий шароити оғир фуқароларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш борасида ҳали ечимини кутаётган масалалар кўплиги айтилди. Ана шулардан келиб чиқиб, партиямиз ташкилотлари, айниқса, "Аёллар қаноти" ҳамда "Ёшлар қаноти" етакчилари хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлашда уларнинг муаммолари ва қизиқишларини ўрганишлари, хотин-қизлар ва уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшишлари лозим. Бундан ташқари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз ўз ваколатлари доирасида жамиятдаги муаммоларни бартараф этишда ташаббускор бўлиши, янги таклифлар билан ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиши зарур.

Таъкидланганидек, жойлардаги масалаларни ҳал этиш, янги ташаббусларни амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Партия гуруҳлари аъзолари ҳамкорликда, бир ёқадан бош чиқариб фаолият кўрсатса, иш унумдорлиги янада ошиши, сайловчи ва электорат манфаатлари ҳамда партия дастурий мақсад-вазифаларининг ижроси таъминланиши шубҳасиз. Ҳар доим халқ билан мунтазам мулоқотда бўлиш, уларнинг мурожаатларига эътибор билан ёндашиш, одамларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилишга кўмаклашиш депутатлар зиммасидаги муҳим вазифадир.

Давра суҳбати якунида Мурожаатномада белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси қабул қилинди.

* * *

**Қашқадарё.** Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгашининг Президентимиз Мурожаатномаси мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга бағишлаб ташкил этган семинари ҳам қизғин руҳда кечди. Унда партия вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ходимлари, маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар, партия фаоллари, талаба ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Бундай тарғибот тадбирларини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – Президентимиз Мурожаатномасидан келиб чиқадиган асосий вазифалар ҳақида аҳоли, айниқса, ёшларга кенг тушунча бериш, унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашдан иборат, — деди семинарда ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Сайфулло Маҳматмўминов. — Биз партия вакиллари Президентимиз белгилаб берган ҳар бир вазифанинг ҳудудимиздаги ижросини таъминлашда фаол иштирок этишимиз лозим. Шундагина, партия ташкилотлари ҳамда гуруҳларининг ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини кенгайтиришга, улар фаолиятини янги босқичга кўтаришга эришилади. Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида партиямиз олдида турган вазифаларни сидқидилдан бажариб, амалий натижаларга эришишни режалаштирганмиз. Айниқса, депутатларнинг ташаббускорлигини ошириш, халқнинг дарди билан яшашга ундаш борасида тизимли ишларни амалга оширамиз.

Дарҳақиқат, депутатлар, партия гуруҳлари ўзларига берилаётган ваколатлардан самарали фойдаланиб, янада жонкуярлик билан меҳнат қилса, ташаббускор бўлса, Президентимиз таъкидлаганидек, фақат рақамларга эмас, аниқ натижага эришилади. Пировардида аҳоли ўзи қўллаб-қувватлаган партия, ўзи сайлаган депутатдан рози бўлади, унга ишончи ортади.

Шунингдек, семинарда жамиятдаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда маҳалла институтининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, Мурожаатномада белгиланган вазифаларни бажаришда партия ташкилотлари ва депутатлар маҳаллалар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиши лозимлиги таъкидланди. Бу аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот ишлари самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Семинарда партия вакиллари Мурожаатномадан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш, жойлардаги маданият, туризм, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги муаммоларни ўрганиш, сессияларга ташаббус-масалалар киритишга қаратилган фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди. Чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди.

**Фахриддин ХОНКЕЛДИЕВ,**
**ЎзМТДП Самарқанд шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси,**
**Ойдин АЛИМАРДОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Фаолиятимиз талаб даражасидами?

# ТАШАББУСКОРЛИК, МАСЪУЛИЯТ ВА АМАЛИЙ ИШ

## ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ГУРУҲЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

***Мамлакатимиздаги сиёсий партиялар, улардан сайланган депутатлар зиммасига катта вазифа ва масъулият юкланган. Депутатлар, партия гуруҳлари ўзларига берилаётган ваколатлардан самарали фойдаланиб, янада жонкуярлик билан меҳнат қилса, ташаббускор бўлса, Президентимиз Мурожаатномасида таъкидлаганидек, фақат рақамларга эмас, аниқ натижага эришилади. Жумладан, партия ташкилоти ва гуруҳлари қўлни қўлга бериб, ҳамкорликда, бир ёқадан бош чиқариб фаолият юритар экан, самарадорлик янада ошади, сайловчи ва электорат манфаатлари, партия дастурий мақсад-вазифалари ижроси таъминланади.***

Хўш, 2017 йилда ЎзМТДПнинг ҳудудий ташкилотлари бу борада қай даражада фаолият юритди? Буни қуйидаги таҳлиллар мисолида кўришимиз мумкин.

**Фарғона.** Вилоятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис партияга аъзо хотин-қизлар сони 5 минг нафардан ошди. Бошланғич партия ташкилотлари сони эса 319 тага етди. Айни пайтда халқ депутатлари Фарғона вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзМТДПдан сайланган 89 депутат фаолият олиб бормоқда.

2017 йилда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан ҳамда фуқаролар мурожаати асосида жами 284 депутатлик сўрови амалга оширилиб, шундан 202 таси ўз ечимини топган. Партия гуруҳларининг ташаббуси билан 11 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди, маҳаллий Кенгаш сессияларига 11 ташаббус-масала олиб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар бевосита ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиш, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш, ҳунармандликни ривожлантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилаётир.

— Партия фаолиятининг муҳим жиҳати бўлган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш давр талабидир, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Энахон Сиддиқова. — Қонунларимизда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва ваколатдан самарали фойдаланиш, уларнинг халқ манфаатларига хизмат қилиши кўп жиҳатдан биз, депутатлар фаоллигига ҳам боғлиқ. Чунки ҳали ҳудудимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожи, халқ манфаатларини таъминлаш бўйича амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар талай. Шу боис партия ташкилоти билан ҳамкорликда аҳоли билан мунтазам мулоқотда бўлиш, уларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор билан ёндашиш, оғирини енгил, мушкулини осон қилишга кўмаклашиш зиммамиздаги энг муҳим вазифадир. Президентимиз ўз Мурожаатномасида маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳақида алоҳида тўхталиб, қачонки ҳудудлардаги вазият ижобий томонга ўзгарса, бюджет ижроси тўлиқ таъминланса, янги иш ўринлари яратилса, энг муҳими, халқимизнинг турмуш даражаси яхшиланса, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига ижобий баҳо берса бўлади, дея таъкидлади. Ана шундан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз билан Мурожаатномада белгиланган вазифаларнинг ҳудудимиздаги ижросини таъминлашда фаол иштирок этишни мақсад қилганмиз. Партия гуруҳлари фаолиятини янги босқичга кўтариш, амалий ишларини янада кўпайтиришда партия ташкилотлари ҳам кўмакдош бўлади.

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгашидаги Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш секторига келиб тушган 512 мурожаатдан 94 таси бандлик, 64 таси коммунал соҳа, 27 таси уй-жой ва ер, 31 таси иш ҳақи, нафақа ва пенсия, 201 таси соғлиқни сақлаш, 31 таси банк-кредит соҳаларига оид бўлса, 64 таси бошқа масалаларга тегишли. Мурожаатларнинг 422 таси партия ташкилотлари ҳамда депутатлар иштирокида ижобий ҳал этилиб, қолганлари бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар берилган.

Мазкур мурожаатлар қайси йўналишда муаммолар кўплиги, нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида муайян хулосага келиш имконини беради. Партия ташкилотлари ҳамда депутатлар, ўз навбатида, сайловчи мурожаатини эътиборсиз қолдирмаслиги, уларни ҳал этиш йўлларини излаши, партия тизимида халқ билан мулоқотни янги босқичга олиб чиқиши, электорат манфаатлари ҳимоясини таъминлашга эришиши зарур. Бу партия тарафдорлари сафини янада кенгайтириш, сайловолди Платформа ижросини таъминлашга хизмат қилади.

**Бухоро.** Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ўзгариш ва янгиланишлардан асосий мақсад — ҳар бир юртдошимизни ушбу жараённинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва онгли иштирокчиси бўлишига эришишдан иборат. ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши фаолияти ҳам ана шундай мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

2017 йилда ЎзМТДП Бухоро вилоят ташкилотлари ва партия гуруҳларининг ташаббускорлиги, фаоллигини кучайтиришга, электорат манфаатлари билан ҳамоҳанг, аниқ мақсадга қаратилган воситалардан фойдаланишга, аҳоли мурожаатлари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилди. "Уйма-уй", "Хизмат — беминнат", "Депутат билан юзма-юз" лойиҳалари, сайёр қабул ва очиқ мулоқотлар шулар жумласидандир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси барқарор тараққиётимизнинг муҳим пойдевори, аниқ мақсад ва вазифаларни қамраб олган ҳаётий дастур сифатида мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ҳужжатдир. Ўтган йил давомида ЎзМТДП Бухоро вилоят ташкилотлари ушбу ҳужжат мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишда қатор амалий тадбирлар ташкил этди. Таъкидлаш жоиз, Ҳаракатлар стратегиясининг давлат ва жамият қурилиши тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган биринчи йўналишида давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан яхшилаш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш назарда тутилган. Бу сиёсий партиялар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаоллигини ошириш, ЎзМТДПнинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлашни талаб этади.

Бухоро вилоятида ЎзМТДПдан сайланган 89 депутат фаолият олиб бормоқда. Улар 2017 йилда 300 дан ортиқ депутатлик сўровини амалга оширди, шундан 284 таси ўз ечимини топди. Шунингдек, вилоятдаги ЎзМТДП гуруҳлари ташаббуси билан 17 мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланди. Доимий комиссияларга 46, маҳаллий Кенгаш сессияларига 21 ташаббус-масала олиб чиқилди.

ЎзМТДП Бухоро вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига 2017 йилда фуқаролардан турли йўналишларда, жумладан, бандлик, коммунал соҳа, уй жой ва ер, ижтимоий ва соғлиқни сақлаш, банк-кредит масалалари бўйича жами 347 мурожаат келиб тушган. Уларнинг 218 таси ижобий ҳал этилди, қолган 67 мурожаат бўйича тегишли ташкилотларга хат ва депутатлик сўрови юборилиб, ижроси назоратга олинди. 62 мурожаат бўйича ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар берилди.

Бухоро вилоятидаги ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда гуруҳлари 2018 йилда ҳам "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деган олижаноб ғояни ҳаётга изчил татбиқ этиш, партия тизимида фуқаролар, сайловчилар ва электорат билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг самарали усул ва механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда фаолият олиб боришни мақсад қилган.

**Ойдин АЛИМАРДОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Тақдимот

# ЎЗБЕК МУСИҚА МАДАНИЯТИ — ЎзМТДП ЭЪТИБОРИДА

***Бугун дунёда турли қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучайган, қарашлар ва манфаатлар эврилиши авж олаётган бир пайтда инсонлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлайдиган мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Дарҳақиқат, санъат шундай қудратли кучга эгаки, сўз билан таърифлаб, қалам билан ифода этиб бўлмайдиган ҳис-туйғулар мусиқада намоён бўлади. Уни тушуниш, моҳиятини англаш учун ҳеч қандай таржимон керак эмас. Мусиқа халқларни бирлаштириб, миллат ва элатларни бир-бирига руҳан яқинлаштиради.***

Шу боис бугун мамлакатимизда санъат ва маданият соҳаси, хусусан, мусиқа санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 3 августида мамлакатимиз зиёлилари вакиллари билан бўлган учрашувда илгари сурган устувор мақсад-вазифалар соҳа ривожини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Ушбу учрашувдан сўнг санъат соҳасини ривожлантириш, соҳа вакилларини рағбатлантириш борасида кўплаб қарор ва фармонлар қабул қилинди.

Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, "бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади".

Мусиқа санъатини ривожлантириш, биринчи навбатда, унинг тарихини пухта ўрганиш, тадқиқ этиш ва уни навқирон авлодга етказишни тақозо этади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи билан ҳамкорликда дунё юзини кўрган "Ўзбек мусиқа маданияти тарихи саҳифаларидан" тўпламини мана шу эзгу мақсад рўёбига қаратилган қадам дейиш мумкин.

Китобда ўзбек мусиқа маданияти тарихи, хусусан, мустабид тузум давридаги ўзбек мусиқа маданиятига доир масалалар тарихшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилган. Муаллиф — "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи катта илмий ходими Баҳром Ирзаев мавжуд адабиётларни чуқур таҳлил қилиш асосида ўзбек халқи мусиқа маданияти тарихида содир бўлган ижобий ва салбий ўзгаришлар, ривожланиш хусусиятлари, шунингдек, тарихий тафаккур динамикасига таъсир кўрсатган мафкуравий ҳамда сиёсий омилларни очиб беради.

Тўплам ўзида мусиқа тарихининг жуда катта даври ва ниҳоятда кўп маълумотларни қамраб олган. Унинг асосини турли даврларда чоп этилган матбуот материаллари ташкил этади. Айниқса, ўзбек мусиқасининг жонкуярлари Абдурауф Фитрат, Ғулом Зафарий, Шокир Раҳимий, Искандар Икром, Ниёз Ражабзода, Санжар Сиддиқ, Муҳиддин қори Ёқубовнинг ўтган аср 20-30-йилларида соҳага доир билдирган фикрлари ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Зеро, улар ўша даврда қаламга олган масалалар ҳали-ҳамон ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шу боис китобни ўқиш жараёнида санъат дарғалари билан таъбир жоиз бўлса, бевосита мулоқот, баҳс-мунозарага киришиш, ўша давр матбуоти саҳифаларида сақланган суратлар билан танишиш мумкин.

Китобнинг яна бир эътиборли жиҳати — унда жамланган материаллар, асосан, араб имлосида, баъзилари эски лотин алифбосида ёзилган. Муаллиф уларни тарихнинг суронли даврларини бошидан кечирган ва аксарияти сарғайиб, яроқсиз ҳолга келган, камёб, атиги бир-икки нусхадан сақланиб қолган газета ва журналлардан тўплаб, кирилл алифбосида ўқувчилар ҳукмига ҳавола этган. Маълумотларни тўплашда Марказий давлат архиви манбаларидан унумли фойдаланилган.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган "Ўзбекистон — миллий тикланиш йўлида" мавзуидаги матбуот анжумани доирасида ЎзМТДП ташаббуси билан чоп этилган "Ўзбек мусиқа маданияти тарихи саҳифаларидан" китобининг тақдимотида шу ҳақда сўз борди.

Анжуманда ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси Сарвар Отамуратов мазкур тўплам ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Дунё илм-фани уммонига беқиёс ҳисса қўшган олимларни тарбиялаб, етказиб берган, минг йиллик давлатчилик тарихи ва маданиятига эга ўзбек халқи, шубҳасиз, жаҳон тарихида ҳақли равишда ўзига хос мавқега эга бўлиб келган, — деди партия етакчиси. — Биз ана шундай улуғ аждодларнинг ворисларимиз. Мустақиллик туфайли ҳар бир юртдошимиз учун янгича яшаш ва ижод этиш, фикрлаш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, ташаббус кўрсатиш эрки таъминлангани боис бугун мамлакатимиз санъат аҳли ҳам ўз иқтидорини тўла намоён этаётир. Зеро, тарихий хотирани тиклаш, миллий ўзликни ва миллат зеҳнини англашда мусиқий мероснинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси халқимизнинг беназир миллий қадриятларини асраб-авайлаш, фуқароларда миллий ғурур ва шаън туйғусини мустаҳкамлаш, миллий ўзликни англашга алоҳида эътибор қаратади. Мазкур тўплам мана шу мақсад-вазифаларимиз рўёбига хизмат қилади. Шу боис уни чоп этиб, кенг ўқувчилар оммасига етказишни ўз вазифамиз, деб билдик. Қолаверса, бундан кейин ҳам мазкур йўналишда ижод қилаётган, изланишлар олиб бораётган ёш олимларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ютуқларини тарғиб қилишда давом этамиз.

Анжуманда академик Наим Каримов, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Оқилхон Иброҳимов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Феруза Абдураҳимова, Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори Соибжон Бегматов мазкур тўплам, унинг ютуқлари ва эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтди.

**Акмал САИДОВ,**
**академик, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Халқимиз маданий меросининг ажралмас қисми бўлган мусиқа санъати ўзининг қадимий тарихи, теран фалсафий илдизлари, бетакрор бадиий услуби ва бой анъаналари билан маънавий ҳаётимиздан чуқур ўрин эгаллайди. Асрлар давомида улуғ шоир ва олимлар, моҳир бастакорлар, ҳофиз ва созандаларнинг машаққатли меҳнати, ижодий тафаккури билан сайқал топиб келаётган ушбу ноёб санъат нафақат юртимизда, балки бутун дунёда эътибор қозонган. Ушбу меросни асраб-авайлаш, ривожлантириш, ёш авлодга етказиш муҳим аҳамиятга эга вазифа. Ушбу тўплам мана шу эзгу мақсадни амалга оширишда муҳим омил, айниқса, мусиқа тарихи бўйича илмий тадқиқот олиб бораётган ёш тадқиқотчилар учун бирламчи ва муҳим манба сифатида хизмат қилади.

Китобда ўзбек халқининг мусиқий маданияти илдизлари Авесто ва зардуштийлик дини анъаналари билан боғлиқлиги, Самарқанд яқинидан топилган дунёдаги энг қадимий чолғу созларидан бири — 3 минг 300 йиллик тарихга эга найдан тортиб Борбад ва Форобийгача, Шарқда илк нота ихтиро қилган озарбайжон мутафаккири Сафиуддин Урмавийдан буюк мусиқашунос Абдулқодир Мароғийгача бўлган ўзбек мусиқа маданияти тараққиёти ишонарли далиллар билан изчил баён қилинган. Энг муҳими, бу тўплам ўтган асрнинг 20-йилларида Туркистон матбуотининг тўнғичлари бўлмиш "Туркистон" газетаси, "Инқилоб", "Ер юзи", "Маориф ва ўқитувчи" журналлари саҳифаларида эълон қилинган кўплаб мақолаларни илк бор илмий муомалага киритмоқда.

**Баҳром ИРЗАЕВ, тўплам муаллифи:**

— Абу Али Ибн Синонинг "Китоб уш-шифо" қомусий тўпламида "мусиқа инсонда ҳаётбахш, олижаноб ахлоқий хусусиятларни ривожлантиради, у инсонга хизмат қилади, унинг интеллектуал ва ахлоқий қиёфасини шакллантиради", дейилган. Буюк олим мусиқани инсоннинг гўдаклигидан то умрининг охиригача зарур ва фойдали бўлган бадиий-эстетик ва тарбиявий қадрият, деб ҳисоблайди. Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий каби Шарқнинг буюк алломалари ҳам мусиқанинг қудратли кучи ҳақида ёзиб, "Мусиқа наинки гўзал, уни ман этиш ҳам мумкин эмас. Фақат тубан ҳиссиётлар қўзғовчи куйлар бўлмаса бас!" деб таъкидлаган. Кейинги даврда ҳам мусиқа санъати билан шуғулланиб, уни "халққа хизмат қилувчи, унинг ҳаётини безовчи илм" эканини исботлаган мутафаккирлар ижоди, илмий тадқиқот ва рисолаларига таяниб айтиш мумкинки, юртимиз ҳудуди Шарқ мумтоз мусиқаси маданияти шаклланиб, ривож топган марказлардан бири ҳисобланади. Бу бой меросни чуқур ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб қилиш мусиқашунос, санъатшунос ва тарихчи олимлар зиммасидаги муҳим вазифадир.

Китобда ўзбек мусиқа маданиятининг Фитрат, Зафарий, Чўлпон, Муғанний, Шарлама, Харратов каби кўплаб жонкуярлари қатағонига оид маълумотлар ва бу тажовузнинг ўзбек миллий мусиқа маданияти тараққиётига салбий таъсири ҳақидаги мулоҳазалар ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, мустабид тузум даврида ўзбек миллий мусиқий меросини чуқур ўрганиб, ўз мактабларига асос солган Комилжон Отаниёзов, Фахриддин Умаров, Таваккал Қодиров каби миллий қўшиқчилигимиз етук дарғалари ва "Лазги", "Шодлик", "Гўзал" сингари ансамблларнинг ўзбек мусиқа ва рақс санъатини дунёга намойиш этишдаги ҳиссалари мисоллар воситасида кўрсатиб берилган. Миллий театр, мусиқали драма театри, миллий опера, кино ва киномусиқаси каби санъат турларининг юзага келиши билан боғлиқ кўплаб жараёнлар ҳақида ҳам сўз юритилган.

Мухтасар айтганда, илмий-оммабоп йўналишда ёзилган мазкур тўплам мустабид тузум давридаги ўзбек мусиқа маданияти ривожига доир муаммоларни тарихшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этишга хизмат қилади.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Партия дастури — амалда**

# МАДАНИЯТ ЁДГОРЛИКЛАРИ ЎТМИШ ВА ТАРИХДАН СЎЗЛАЙДИ

## СУРХОНДАРЁДА БАРЧА МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТИНИНГ КАДАСТР ҲУЖЖАТЛАРИ РАСМИЙЛАШТИРИЛДИ

***Ўзбекистоннинг жаҳон сайёҳлик марказларидан бирига айланишида юртимизнинг ўзига хос ва бетакрор тарихий-маданий мероси алоҳида ўрин тутади. Шу боис мустақиллик йилларида бой маданий меросимизни асраш, мамлакат миллий бойлиги бўлган маданий мерос объектларини қайта тиклаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида аҳамияти ва кўлами жиҳатдан кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Давлатимиз раҳбари қатор маъруза ва учрашувларида жойлардаги тарихий меросимизни сақлаш ва улар воситасида юртимизнинг туризм салоҳиятини янада юксалтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратиб келади. Тарихий шаҳарларимизнинг асл қиёфасини, қадимий руҳини сақлаб қолиш, уларда қад ростлаб турган ноёб обидалар, тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, қайта таъмирлаш ва сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш борасида олиб борилган ишлар ўз самарасини бермоқда.***



иншоотлари қурилишини мазкур ҳудуд мазмун ва руҳиятига мос тарзда амалга оширишга эътибор қаратилмаган. Маълумотларга қараганда, юртимиздаги 7 ярим мингга яқин маданий мерос объектларининг атиги 2 мингдан ортиғи кадастр рўйхатидан ўтказилиб, ҳужжатлаштирилган. Бу эса жами маданий мерос объектининг 29 фоизини ташкил этади, холос. Ҳудудлардаги 5 мингдан ортиқ объектлар эса кадастр рўйхатидан ўтмаган, ҳужжатлари тайёрланмаган. Демак, улар муҳофазага олинмаган.

Аммо шу билан бирга, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида ҳали олдимизда турган вазифалар, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ҳам талай. Масалан, моддий маданий мерос объектларини инвентаризациядан ўтказиш, паспортларини тайёрлаш, сақлаш, таъмирлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш борасидаги камчилик ва муаммолар соҳага қаратилаётган эътиборни янада кучайтиришни, тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари масъулиятини янада ошириш лозимлигини талаб этади. Маданий мерос объектларининг ташқи муҳит, яъни ёғингарчилик, шамол, шўрланиш, ер ости сувлари кўтарилиши, зилзила, серқатнов йўллар яқинлиги туфайли транспорт воситалари ҳаракатининг салбий таъсири ва бошқалар натижасида зарарланиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Уларни кадастр баҳолаш ишлари — инженер-топографик тадқиқотларни ўтказиш ва кадастр ҳужжатларини рўйхатга киритишни туғаллаш, объектлар жойлашган ер майдонларини хўжалик ҳисобидан чиқариш, ҳимоя чегараларини белгилаш масалаларида амалга оширилиши зарур бўлган ишлар мавжуд. Биргина маданий мерос объектларининг муҳофаза белгиларини ўрнатиш орқали уларни турли салбий таъсирлардан ҳимоя қилиш мумкин. Аммо айрим ҳудудлардаги тарихий-маданий қимматга, кўп асрлик тарихга эга баъзи обидалар қаровсиз, ачинарли ҳолга келиб қолган, улар жойлашган ҳудуд ён-атрофида замонавий мажмуа барпо этишда мазкур ёдгорликнинг тарихий-маданий, туризм аҳамиятидан келиб чиқиш, хизмат кўрсатиш

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси маънавий ва маданий меросимизни асраб-авайлаш, тарихини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, шунингдек, туризм соҳасини ривожлантиришга кўмаклашишни ўзининг устувор вазифаларидан деб билади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 12 июлда парламент аъзолари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишида бу соҳага алоҳида тўхталиб, юртимиздаги тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлаш, буюк аждодларимизнинг қадамжоларини обод этиш бўйича олдимизда турган вазифаларни амалга оширишда ЎзМТДП ташаббускор бўлиши зарурлигини таъкидлаган эди. Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, партия бугун маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш борасидаги амалий ишларини янада кучайтиришга эътибор қаратмоқда.

ЎзМТДП Марказий кенгаши ҳудудий партия ташкилотлари ва гуруҳлари зиммасига жойлардаги маданий мерос объектларини давлат кадастр рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилган эди. Шундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари жойлардаги обидаларнинг ҳолатини ўрганиб, муайян таклиф ва ташаббусларни илгари сурмоқда. Хусусан, Сурхондарё вилоятидаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлар 2017 йил давомида ҳудуддаги тарихий, маданий обидаларни ўрганиб, мавжуд муаммоларни бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшди. Партия гуруҳлари ташаббуси билан маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга оид ташаббус-масалалар 12 та Кенгаш сессияларида муҳокама қилинди.

— Маданий мерос объектлари, меъморий ёдгорликлар халқимизнинг олис ўтмиши ва ақл-заковатидан гувоҳлик беради. Модомики шундай экан, уларни асраб-авайлаш бугунги авлоднинг бурчи ва вазифасидир, — дейди ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Сайдулла Абдураимов. — Айни пайтда вилоятимиздаги мавжуд 374 та маданий мерос объектининг ҳаммаси ҳужжатлаштирилиб, кадастр рўйхатидан ўтказилди. Мазкур жараёнларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари ҳамда депутатлари фаол иштирок этди, ташаббус билан чиқди. Бир гуруҳ партия ходимлари, депутатлар, мутахассис ва экспертлардан иборат ишчи гуруҳи вилоятдаги маданий мерос объектларининг ҳолатини ўрганди, мавжуд муаммолар билан танишди. Ўрганиш натижалари юзасидан тегишли таклифлар берилди. Масалан, Қирқ қиз қалъаси ўрганилганда, унинг кадастр ҳужжатлари мавжуд эмаслиги маълум бўлди. Масалаларни ҳал этиш бўйича тегишли мутасаддиларга мурожаат қилдик. Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйича минтақалараро давлат инспекцияси, архитектура ва қурилиш бош бошқармаси, маданият бошқармаси ҳамда бошқа қатор идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликдаги бу каби саъй-ҳаракатларимиз натижасида вилоятдаги барча маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжатлари тайёрланиб, давлат рўйхатидан ўтказилди.

Дарҳақиқат, бугун Сурхондарё вилоятидаги барча маданий мерос объектининг кадастр баҳолаш ишлари охирига етказилгани эътиборга молик. Чунки тарихий обиданинг расмий ҳужжати бўлмаса, уни давлат муҳофазасига олиш масаласи ҳам муаммо бўлади. Шу нуқтаи назардан юртимиздаги маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжатларини тайёрлаб, рўйхатдан ўтказиш уларнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши ҳамда асраб-авайланишида муҳим омил ҳисобланади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмалари аждодларимиздан мерос тарихий, маданий обидаларни асраб-авайлашга, давлат муҳофазасига олинишига кўмаклашиб келаётгани, ўз навбатида, мамлакатимизнинг туризм салоҳиятини янада оширишга ҳисса бўлиб қўшилади. Давлат муҳофазасига олинган бундай масканлар янада обод ва кўркам бўлиб, туризм маршрутига киритилади, уларга ташриф буюрадиган сайёҳлар сони ортади. Энг муҳими, халқимиз, айниқса, ёш авлод вакиллари ҳамда хорижлик меҳмонлар ва сайёҳларни тарихий-маданий мерос объектлари билан таништириш, уларни бутун дунёга тарғиб этиш имкониятлари янада кенгаяди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Муҳокама мукаммалликни таъминлайди**

# ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

**< Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

"Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури лойиҳаси Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларида ҳам муҳокама қилинмоқда, ҳар бир йўналиш бўйича партия дастурий вазифалари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таклифлар билдирилмоқда. Тақдим этилаётган таклифлар партия Марказий кенгаши қошида тузилган экспертлар гуруҳи томонидан саралаб олинмоқда.



**Нодир МУХТОРОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Ҳаракатлар стратегиясининг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳасида белгиланган чора-тадбирлар ўтган йили мамлакатимизда кенг кўламда олиб борилган халқ билан очиқ мулоқотларнинг мантиқий давоми, амалий ифодаси, дейиш мумкин. Шунингдек, лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилнинг 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасидаги асосий ғоя ва таклифлар ҳамда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий вазифаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Дастур лойиҳаси 237 банддан иборат. Биринчи бандида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга қаратилган қатор мақсад-вазифалар ўз ифодасини топган. Хусусан, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш борасидаги вазифалар парламент аъзолари зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари айни пайтда Давлат дастури лойиҳаси юзасидан ўз таклифларини билдирмоқда, унда кўзда тутилаётган чора-тадбирлардан келиб чиқиб, келгусидаги вазифаларини белгилаб олаётир. Жумладан, фракциямиз 2018 йилда қонун ижодкорлиги жараёнида янгича ёндашувни назарда тутадиган Қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси, "Давлат хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳасига партия позициясидан келиб чиқиб, ўз таклифларини ишлаб чиқди. Бундан ташқари, Президентимиз томонидан илгари сурилган фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишни асосий вазифаларимиз сифатида белгилаб олдик. Айни пайтда Давлат дастури лойиҳасида кўзда тутилган бу каби чора-тадбирларни янада такомиллаштириш, уларни амалиётга самарали татбиқ этиш йўлларини белгилаш бўйича ўз таклифларимизни билдириб, фракциянинг ишчи йиғилишларида муҳокама қиляпмиз. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз Давлат дастури лойиҳасини янада такомиллаштиришга, унда партия дастурий мақсад-вазифалари ҳам ўз аксини топишига хизмат қилади.



**Ўктамбой РЎЗИМОВ, халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:**

— Бугунги янгиланиш ва ўзгаришлар партия ташкилотлари, жумладан маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасига ҳам катта вазифа ва масъулият юкламоқда.

Айни пайтда кенг жамоатчилик томонидан қизғин муҳокама қилинаётган Ҳаракатлар стратегиясининг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳасида жойлардаги халқ депутатлари Кенгашлари ваколатларини янада кенгайтириш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Унга мувофиқ, ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг раҳбари сифатидаги мақомини бекор қилиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш бўйича роли ва масъулиятини ошириш, жойлардаги раҳбар кадрларни танлаш ва тайинлаш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш мақсадлари кўзда тутилаётир.

Таъкидлаш жоиз, Давлат дастури лойиҳасида ўз ифодасини топаётган мазкур жиҳатлар маҳаллий Кенгашлар ҳамда депутатларнинг вазифа ва ваколатларини, депутатлик назоратини амалга ошириш орқали ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни жойида ҳал қилиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги партия гуруҳимиз ҳудудда Давлат дастури лойиҳаси бўйича аҳолининг таклифларини ўрганиш, шу асосда ўз таклиф ва фикр-мулоҳазаларини тақдим этишга эътибор қаратмоқда. Зеро, келгусидаги фаолиятимизнинг дастуриламали бўладиган мазкур ҳужжатни ҳар томонлама пухта ва мукаммал тарзда қабул қилиш ижобий натижаларга эришишимизда асос бўлади.

**Муҳтарама РАМАЗОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Депутат минбари**

***2018 йил 9 январь куни "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун Олий Мажлиснинг Конституция ва қонунлар, давлат дастурлари ижроси устидан парламент назоратини олиб бориш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган. Бу билан энди парламент назоратининг объекти янада кенгайтирилди. Парламент назорати нафақат давлат органлари фаолияти, балки хўжалик бошқаруви органлари устидан ҳам олиб борилади. Чунки жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиш одамларни ташвишлантираётган масалалар фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига эмас, балки давлат органлари сирасига кирмайдиган бошқа ташкилотлар (масалан: электр, сув, газ таъминоти ва бошқалар) фаолиятига ҳам тааллуқли эканлигини кўрсатди.***

# ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ОБЪЕКТИ КЕНГАЙТИРИЛДИ

Бундай ҳолат халқаро тажрибада ҳам кузатилади. Айрим хорижий мамлакатларда парламент назоратини амалга ошириш доирасига хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳам киритилган. Масалан, Франция қонунчилигига мувофиқ парламент ижро ҳокимияти, маҳаллийлаштирилган корхоналар фаолияти, шунингдек, давлат улуши 50 фоиздан кўп бўлган корхоналар фаолияти устидан ҳам назорат қилиш хуқуқига эга. Финляндияда эса парламент давлат акция пакетларига эга бўлган компанияларни ҳам назорат қила олади.

Мазкур қонунга мувофиқ, парламент назоратининг янги шакли, яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятига "ҳукумат соати" институти, Сенатда эса ҳокимларнинг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари бўйича ҳисоботларини эшитиш жорий этилди.

Парламент назоратининг "ҳукумат соати" шакли Франция, Буюк Британия ва Германия каби мамлакатларда ҳукумат билан парламент ҳамкорлигининг энг самарали усулларидан бири саналади. Францияда "ҳукумат соати" институти 1974 йилдан буён амал қилади.

Жорий йилнинг 9 январь куни қабул қилинган қонунга мувофиқ, миллий парламентимиз фаолиятини тартибга солувчи 5 та, шу жумладан, 2 та Конституциявий қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. "Парламент назорати тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасига киритилган ўзгартишларга асосан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорларини, давлат дастурларини ижро этиш, шунингдек, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ҳамда функцияларни амалга ошириш бўйича фаолияти парламент назорати объекти сифатида белгиланди. Шунингдек, мазкур қонун янги $10^1$ ва $10^2$ моддалар билан тўлдирилди. Қонуннинг $10^1$ моддасида "ҳукумат соати"ни олиб бориш тартиби белгиланди. Унга мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қоида тариқасида, бир ойда бир марта ўз мажлисида ҳукумат аъзоларининг Қонунчилик палатаси депутатлари саволларига жавобларини эшитади.

Қонуннинг $10^2$ моддасида эса яна бир янги назорат шакли, яъни Сенат мажлисида вилоят, туман, шаҳар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш тартиби белгиланди.

Парламент назорати объектининг кенгайтирилиши ва янги назорат шаклларининг жорий этилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий қонунлар ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Регламенти тўғрисида"ги қонунларга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга Мурожаатномасида парламент томонидан аниқланган муаммолар ёки сайловчилар кўтараётган масалалар ижро ҳокимияти олдига қатъий қўйилмаётганлиги ҳақли равишда танқид этилган эди. Айни шу мақсадда парламент фаолиятида "ҳукумат соати" институтининг жорий этилгани айни муддао бўлди. Чунки ушбу амалиёт депутатлик назоратининг самарадорлигини ошириш, айниқса, жойларда аҳоли томонидан кўтарилаётган масалаларни мутасадди раҳбарлар олдига қўйишда муҳим аҳамият касб этади.

Бу эса ижро ҳокимияти устидан парламент назоратининг амалдаги тизимини танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқиш, 2018 йилга мўлжалланган "ҳукумат соати" режасини тасдиқлаш, уни амалиётга татбиқ этиш, мазкур назорат шакли доирасида кўтариладиган масалаларни бевосита аҳолидан, сайловчилардан олиш, шунингдек, парламент назорати якуни бўйича таъсирчан чораларни кўришни талаб этади. Мазкур жараёнда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг қуйи палатадаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этиши лозим бўлади.



**Жаҳонгир ШИРИНОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

**Очиқ мулоқот**

# ХОТИН-ҚИЗЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши "Аёллар қаноти" "Хотин-қизлар бандлигини таъминлашда ҳунармандчиликнинг аҳамияти" мавзусида очиқ мулоқот ташкил этди. Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрда қабул қилинган "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, уюшмаган хотин-қизлар орасида тарғиб-ташвиқ этиш мақсадида ўтказилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Микрокредитбанк"нинг ҳудуддаги филиали, "Ҳунарманд" уюшмаси вакиллари, депутатлар, партия ходимлари, Нукус шаҳридаги маҳаллалар фаоллари ва хотин-қизлар иштирок этди.***

Очиқ мулоқотда таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳунармандчилик ва халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, ҳунармандларга эркин фаолият юритишлари учун шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ва кўламини ошириш, бўш иш ўринларини яратиш, ҳудудларни комплекс ривожлантиришда ҳунармандчиликнинг ўрни ва ролини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Бугун Қорақалпоғистон Республикасидаги уюшма аъзоси бўлган 276 ҳунарманднинг 114 нафари хотин-қизлардан иборат. Улар асосан каштадўзлик, заргарлик, сувенир буюмлари, мусиқа асбобларини ясаш, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги сингари 12 йўналишда фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳамда Республика "Ҳунарманд" уюшмасининг ҳудудий бошқармаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланган. "Хотин-қизлар бандлигини таъминлашда ҳунармандчиликнинг аҳамияти" мавзусидаги очиқ мулоқотда уюшмаган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашда ҳунармандчиликнинг аҳамияти, Президент фармони асосида ҳунармандлар учун яратилган имкониятлар, банклардан кредит олишда улар учун яратилган имтиёзлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Очиқ мулоқотда Нукус шаҳрида яшовчи кўплаб хотин-қизлар ўз ҳунармандчилик фаолиятини бошлаш ёхуд кенгайтириши учун ишни нимадан бошлаш зарурлиги ҳамда улар учун яратилган имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиш йўл-йўриқлари борасида кўмак сўради. Масалан, Нукус шаҳри "Қутлы қоныс" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи болаликдан ногирон Ш.Исмоилова уйда ўтириб кашта тўқиш, қуроқ тикиш ва тикувчилик билан шуғулланишини, келажакда банкдан кредит олиб, ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш нияти борлигини билдирди. Мутасаддилар унга мамлакатимизда имконияти чекланган инсонларнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун яратилган шарт-шароитлар тўғрисида маълумот, ҳуқуқий маслаҳат берди. "Қумовул" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Г.Ерниязова уч фарзанди учун етарли шарт-шароит яратиш мақсадида ҳунар ўрганиш ва ҳунармандчилик билан шуғулланиш нияти борлигини айтди. Унга партия ташаббуси билан ташкил этиб келинаётган "Хизмат — беминнат" лойиҳаси асосидаги ўқув курсининг тикувчилик йўналиши бўйича бепул ҳунар ўрганиш имконияти борлиги тушунтирилди.

Очиқ мулоқотда шу каби масалалар бўйича кўплаб мурожаатлар бўлди ва уларга атрофлича жавоблар берилди. Шунингдек, "Хизмат — беминнат" лойиҳаси асосидаги ўқув курсларида турли йўналишда ёшлар ва хотин-қизларга касб-ҳунар сирларини ўргатган усталар, ўқитувчиларга партиянинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Айнура УТЕНИЯЗОВА,**
**ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси**

Ватанпарварлик — олий қадрият

*Мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш бўйича тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир, ҳаракатчан, замонавий қуролланган миллий армияни ташкил этиш бўйича босқичма-босқич тизимли ишлар амалга оширилмоқда.*

# МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ — МАРДЛИК, МАТОНАТ ВА ЖАСОРАТ МАКТАБИ

## ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА УШБУ ШИОР ОСТИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши партия Марказий кенгаши, парламент қуйи палатасидаги фракцияси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими билан ҳамкорликда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч!" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этди. "Миллий армиямиз — ёшларнинг мардлик, матонат ва жасорат мактабидир" шиори остида ўтган мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 26 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида"ги фармойиши ижросини таъминлашга қаратилди.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий ва Тошкент вилоят кенгашлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази Тошкент вилоят бўлими вакиллари, партиядан сайланган депутатлар, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари, билим юрти ўқитувчи ва курсантлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Унда таъкидланганидек, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олингани натижасида 2017 йилда мазкур соҳада кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди. Қисқа муддатда дастлабки аниқ натижаларга эришилди: янгиланаётган Қуролли Кучларимиз бўйича стратегик ёндашув ишлаб чиқилди.

Мамлакатимиз Мудофаа доктринаси сифат жиҳатидан янгиланди. Бу доктринанинг маъно-мазмуни биринчи марта очиқлик хусусиятига эга бўлди. Доктринада Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги сиёсати бўйича принципиал ёндашувлар, уларни қўллаш асослари, Қуролли Кучлар олдида турган вазифалар, шунингдек, миллий армиямиз қурилиши ва ривожланишини давом эттириш бўйича истиқболли йўналишлар белгилаб берилди. Мудофаа доктринаси қоидалари ва мамлакатимизнинг геостратегик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди. Хусусан, Мудофаа вазирлигининг барча бирлашма ва қисмларининг таркибий тузилмаси тўлиқ янгиланди.

Бугунги кунда "Хавфсиз шаҳар — хавфсиз мамлакат" концепцияси асосида мамлакатимизда жамоат тартибини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан янги тузилма — Миллий гвардия ташкил этилди. Энди бундан буён ҳар бир шаҳар ва вилоятда хавфсиз ҳудуд лойиҳасини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш учун Ички ишлар вазирлиги билан бирга Миллий гвардия масъул ва жавобгар этиб белгиланмоқда. Бу вазифаларни бажариш учун Миллий гвардия жойлардаги давлат ҳокимияти идоралари, жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда фаолият олиб боради. 2017 йилда мамлакатимиздаги барча турдош корхоналарни бирлаштирган Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитасининг ташкил қилиниши миллий мудофаа-саноат комплексини шакллантириш йўлидаги биринчи ва муҳим қадам бўлди. Шунингдек, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг фаоллиги ва ролини ошириш бўйича ишлар сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилмоқда. "Миллий армиямиз — бизнинг ифтихоримиз ва ғуруримиз" тамойили асосида ҳудудларда мудофаа соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, армия ва халқнинг якдиллигини таъминлаш мақсадида ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди.

— Миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдириш, ҳарбий хизматчиларнинг тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини янада юксалтириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Элдор Туляков. — Ҳарбий ўқув ҳамда машғулотлар илм-фан ва техниканинг илғор ютуқлари асосида ўтказилмоқда. Олий ҳарбий таълим муассасаларида ҳар қандай хавф-хатарни бартараф этишга қодир, тезкор қарорлар қабул қила оладиган, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга офицер кадрлар тайёрланмоқда. Муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг йилда бир марта амалга оширилаётгани, шартнома асосида хизмат қилиш, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг жорий этилгани натижасида ҳарбий жамоалардаги маънавий муҳит тубдан ўзгарди. Муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида қабул қилинаётгани армия сафларини жисмоний тайёргарлиги ва интеллектуал салоҳияти юксак йигитлар билан тўлдиришда муҳим омил бўлмоқда. Бунинг самарасида аскарлар жанговар тайёргарлик дастурларини, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланишни пухта ўзлаштирмоқда. Ҳарбий хизмат ёшларда мустаҳкам ирода ва характерни шакллантирадиган, жисмоний чиниқиш ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ўзига хос мактабга айланди. Бугунги маънавий-маърифий тадбир мобайнида бу жиҳатларга яна бир карра ўзимиз гувоҳ бўлдик.

Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси, элюртимиз ардоғидаги санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга байрамона руҳ бахш этди. 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг бир гуруҳ фаоллари ва талабаларига партиянинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ойбек ДАВРОНОВ,**
**ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши матбуот котиби**

Матбуот анжумани

*Бугун мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган ҳаётбахш ғояси асосида давлат идораларининг очиқлигини таъминлаш, фуқароларни уларнинг фаолиятидан мунтазам хабардор қилиб бориш мақсадида изчил амалга оширилмоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати қошида Пресс-хол фаолияти йўлга қўйилди. Эндиликда бу ерда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни оммавий ахборот воситаларида тезкор ёритиш, вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда журналистлар ўртасида жонли мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида мунтазам равишда матбуот анжумани, брифинглар ташкил этиб борилади.*

# ЎЗБЕКИСТОННИ ЖОЗИБАДОР ТУРИЗМ МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРИШ — МУҲИМ ВАЗИФА



2018 йил 15 январь куни бўлиб ўтган навбатдаги матбуот анжумани "Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш истиқболлари ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти" мавзусига бағишланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов мамлакатимиз туризм салоҳиятини тубдан янгилаш, тизимда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, халқимизнинг тарихий-маданий меросини кенг тарғиб қилиш, "Хавфсиз туризм" концепцияси ижроси, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларини жаҳон сайёҳлик бозорига олиб чиқиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, ўтган йилнинг ўзида жами 128 та туроператорлик хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди ва улар сони 561 тага етди. Ҳозирда тероператорлик ва меҳмонхона фаолиятини сертификатлашнинг тасдиқланган низоми бўйича ўтган давр мобайнида жами 442 та туризм хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари, яъни 221 та меҳмонхона ва 221 та туроператорлик хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига сертификат берилди, 128 та тадбиркорлик субъектларига туроператорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия тақдим қилинди.

Ҳудудий дастурларга мувофиқ, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида "Қадимий Бухоро" ва "Самарақанд Сити" туризм зоналарини ташкил қилиш, умумий ҳисобда 450 тага яқин лойиҳаларни амалга ошириш, шу жумладан, 50 га яқин маданий мерос объектларини реставрация га яқин консервациялаш, 50 дан ортиқ меҳмонхона қуриш ва қайта тиклаш, юзга яқин умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи объектларни барпо этиш бўйича ишлар олиб борилди. Бу чора-тадбирлар юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳларга зарур қулайлик яратиш ва сифатли хизмат кўрсатилишида муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда туризмни жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўз самарасини бераётир. Юртимизнинг мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми каби салоҳиятли турларини жадал ривожлантириш ҳам хорижий сайёҳларни кўпайтириш, ҳам иқтисодий тараққиётимизга хизмат қилади. Болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризми, оилавий туризм, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳисобига соҳанинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш, ички туризмни янада кенгайтириш, ҳудудларда янги сайёҳлик йўналишларини ташкил этиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Анжуманда бу борада режалаштирилаётган лойиҳа ва дастурлар хусусида ҳам маълумотлар берилди.

Шунингдек, анжуманда сайёҳлар эътирозига сабаб бўлаётган омиллар, масалан, кафе ва рестаранларнинг тунги ишлаш вақти чеклангани, бир-икки юлдузли меҳмонхоналарга кам эътибор қаратилаётгани, сайёҳлар учун автобусларнинг етишмаслиги, ҳудудларда санитария-гигиена масканлари етарли эмаслиги каби масалалар ҳақида ҳам сўз юритилиб, уларни бартараф этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиши таъкидланди.

Матбуот анжуманида журналистларнинг соҳа ривожи, келгусидаги мақсад-вазифалар борасидаги қатор саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Анжуман якунида туризм соҳасига оид барча масалалар бўйича тезкор ва аниқ маълумот олиш, соҳа субъектлари ва туристлар сўровларини тўлақонли қабул қилиш мақсадида 2017 йилнинг 4 декабрида қўмитанинг 24 соат узлуксиз фаолият юритадиган "Call Center" (маълумот маркази) ишга туширилгани қайд этилди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари ушбу марказ орқали ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишлари мумкинлиги айтилди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Партия ташкилотларида

# "МЕНИНГ МАҲАЛЛАМДА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛМАСЛИГИ КЕРАК"

## НАМАНГАНДА "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" КУБОГИ УЧУН МУСОБАҚА ЎТКАЗИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йилнинг 20 ноябрь куни жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига бағишланган йиғилишида бир қатор долзарб вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, "Менинг маҳалламда жиноят содир этилмаслиги керак", деган туйғуни ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар онгида шакллантириш, бефарқлик, лоқайдликка барҳам бериш, пировардида, ҳар бир оила, таълим муассасаси ва маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш лозимлиги таъкидланди.***

Наманган шаҳрида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон пенчак силат федерацияси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган "Миллий тикланиш" кубоги учун вилоят турнири ҳам айни шу мақсадга қаратилди.

Мусобақанинг очилиш маросимида сўзга чиққан ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Ғайратжон Тўйчибоев, 7-умумтаълим мактаби директори Феруза Рамазонова, Ўзбекистон пенчак силат федерацияси вилоят бўйича раҳбари Абдулло Тошбоев ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларни менталитетимизга ёт бўлган "оммавий маданият" ниқоби остидаги ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини оширишда бу каби тадбирлар муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Мамлакатимиз Қуролли кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ташкил этилган ушбу мусобақада шаҳар ва туманлардаги 30 дан ортиқ маҳалладан 6 ёшдан 30 ёшгача бўлган 150 нафардан зиёд болалар, ўсмирлар ва ёшлар спортнинг шарқ яккакураш тури — пенчак силат бўйича 15 вазн тоифасида ғолиблик учун беллашдилар.

Дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликка йўғрилган мусобақада спортнинг ушбу жанговар тури бўйича Осиё ва мамлакат чемпионатларида совринли ўринларни эгаллаган Неъматжон Раҳматжонов, Иброҳим Исмоилов, Маҳмуджон Маҳмудов, Оқилбек Рашидов, Олимжон Маликжонов, Муҳаммадюсуф Салимов каби иқтидорли спортчилар ғолибликни қўлга киритиб, партия вилоят кенгаши ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими томонидан муносиб тақдирланди.

**Маъмуржон ЭРГАШЕВ,**
**ЎзМТДП Наманган вилояти кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:**

— Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, ёшларни турли диний оқимлар таъсирига тушиб, жиноят йўлига кириб қолишининг олдини олиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бу жараёнда ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ўзининг амалий лойиҳалари билан мунтазам иштирок этиб келмоқда. Мусобақадан кўзланган асосий мақсад — ёш авлод вакилларини Президентимиз ташаббуси билан илгари сурилган "Менинг маҳалламда жиноят содир этилмаслиги керак", деган эзгу ғоя атрофида бирлаштиришдан иборат. Қолаверса, бу саъй-ҳаракатларимиз партия сайловолди Платформасида белгиланган жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш ишида ҳамкорлик қилишдек устувор мақсад-вазифалар билан уйғун ва ҳамоҳангдир.

**Бахтиёр САТТОРОВ,**
**"Байналмилал" маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспектори:**

— Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Наманган шаҳридаги Байналмилал маҳалласида истиқомат қилаётган 4 мингга яқин аҳолининг 981 нафари вояга етмаган ёшлардан иборат. Маҳалла ҳудудида жойлашган Наманган қурилиш ва дизайн касб-ҳунар коллежи, 7-умумтаълим мактаби, 66-сонли мактабгача таълим муассасаси билан доимий ҳамкорлик ўрнатганмиз. Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қаратилган "Йўл харитаси" ҳамда "Хавфсиз ҳудуд" ва "Хавфсиз шаҳар" концепциялари асосида олиб борилган амалий ишлар ҳамда ҳар ҳафта ўтказиладиган "Профилактика куни" тадбирлари натижасида маҳалламизда ўтган йили 18 ёшгача бўлган болалар, ўқувчилар ўртасида бирорта ҳам жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилмади.

Ҳудуддаги болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтини унумли ўтказишни таъминлаш доимий эътиборимизда. Масалан, 7-умумтаълим мактаби мисолида оладиган бўлсак, футбол, кикбоксинг, волейбол каби ўнга яқин спорт секцияларига маҳалламизнинг юзлаб ўғил-қизлари қамраб олинган. Бунинг натижасида ўғил-қизларимиз нафақат бўш вақтларидан унумли фойдаланмоқда, балки республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда фаол иштирок этиб, ўтган йили жами 73 та медалга сазовор бўлдилар.

**Оқилхон ДАДАБОЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Сайёр қабул

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари жойларда сайёр қабуллар ташкил этаётир. Ундан асосий мақсад — аҳоли билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, халқ фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшиш, одамларнинг орзу-ниятларини рўёбга чиқариш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаш учун ҳисса қўшишдан иборат.***

# АКСАРИЯТ МАСАЛАЛАР ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Айни шу мақсадда ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида Зомин ва Зарбдор туманларида сайёр қабул ташкил қилинди. Зомин туманида ўтган сайёр қабулда фуқаролар 20 дан ортиқ масала юзасидан мурожаат қилди, уларнинг 14 тасига жойида ечим топилди. Жумладан, фуқаро Ўткир Мамасобировнинг ишга жойлашиш бўйича амалий ёрдам сўралган мурожаатига асосан партия Зомин туман кенгаши раиси Ўрозали Бердибеков туман бандликка кўмаклашиш марказига хат юборди. Мазкур хатга жавобан мурожаат тез орада ҳал этилиши маълум қилинди.

Фуқаро Шаҳло Ориппованинг мурожаатига кўра қўшнисининг 2 ёшли фарзанди Ислом Шойимқулов оёғида нуқсон билан туғилган. Унинг даволаниши учун ордер олишда кўмак зарур экан. Ушбу мурожаат атрофлича ўрганилиб, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

Зомин тумани "Навбаҳор" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Сардор Авазовнинг айтишича, улар яшайдиган ҳудудда чиқинди ташланадиган махсус жой йўқ. Шу сабаб аҳоли чиқиндиларни йўл четига ташлаб кетишга мажбур бўлмоқда. Фуқаро бу масалада аввал ҳам мутасадди ташкилотларга бир неча бор ёрдам сўраб мурожаат қилган, аммо натижа бўлмаган. Партия вакилларининг саъй-ҳаракати билан туман ободонлаштириш бошқармаси ходимлари ушбу муаммони атрофлича ўрганиб чиқди. Пировардида бу ҳудуддаги чиқиндилар махсус чиқинди ташлаш жойларига етказиладиган бўлди.

Зарбдор туманида бўлиб ўтган сайёр қабулда ҳам ҳудуддаги қатор масалаларга ечим топилди. Бунда аҳолидан тушган 15 мурожаатнинг ўнга яқини жойида ижобий ҳал этилди. Жумладан, Зарбдор тумани ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси Амирбек Эргашев коллежни тамомлагандан сўнг боғдорчилик билан шуғулланиш нияти борлигини, бунинг учун ер олишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ушбу мурожаатни туман ҳокимлиги мутасаддилари ўрганиб чиқиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

— 2017 йилда Тошкент давлат аграр университетини битирдим, ўз мутахассислигим бўйича ишга жойлаша олмаяпман. Сайёр қабулда ишга жойлашишим учун ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилдим, — дейди Беҳзод Одилқулов. — Партия вакилларининг саъй-ҳаракати билан туман ҳокимининг ёшлар ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари менга кўмак берадиган бўлди.

Туманнинг Тозауруғ қишлоғида яшовчи фуқаро Нурилла Алимов Жиззах шаҳрида нон цехи борлиги, унинг фаолиятини янада кенгайтириш ниятида эканлигини, аммо тижорат банкларидан имтиёзли кредит олишда айрим муаммоларга дуч келаётганини айтиб, ушбу масалада амалий ёрдам сўради. Мазкур мурожаат юзасидан ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши тегишли мутасаддилар билан келишган ҳолда масалани ҳал этадиган бўлди.

Сайёр қабул давомида айрим мурожаатлар юзасидан фуқароларга тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Қўшимча ўрганиш ва вақт талаб қиладиган мурожаатлар бўйича мутасадди идора ва ташкилотлар вакилларига топшириқ ва вазифалар юклатилди, депутатлик сўровлари юборилди. Шунингдек, сайёр қабулда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тавсиялар берилди. Ички йўлларни асфальт қилиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**Алишер ОРИПОВ,**
**ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари**

MILLIY TIKLANISH
3 (487) 2018 йил 17 январь, чоршанба

Бугуннинг гапи

# БОЛАЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН КИТОБЛАР

## ЧИНДАН ҲАМ УЛАРГА МОСМИ?

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Китоб дейишга уяласан киши. Варақлаган бўлдим-да, бирпас ўйланиб, сўнг укамизга танбеҳ берган бўлдим: "бу китоб нафақат сенга, ҳатто акангга ҳам тўғри келмайди-ку".

Болакай юзимга анграйиб тикилди: чамаси ҳеч воқога тушунмади...

Миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган, кишилар маънавий дунёсига путур етказадиган, маданиятимизни оёқости қиладиган мана шундай "китоб"лар ҳақида кўп гапирилди. Аммо негадир бирор жўяли натижа кўзга ташланмаяпти. На уларнинг муаллифига, на шундай "эъжод маҳсуллари"ни чоп этган нашриётга чора кўрилади. Наҳотки миллат эртаси бўлмиш ёшлар тарбияси биз учун шунчалик аҳамиятсиз бўлиб бормоқда? Ваҳоланки, айнан мана шундай "китоб"лар туфайли болалар маънавий дунёсига салбий таъсир кўрсатилмоқда.

Уларда яхшиликнинг қадрини арзонлаштириб, ёмонликни оддий ҳолдек қабул қиладиган, эзгуликни оёқости қилиб, ёвузликдан чўчимайдиган, қалбини чин инсонга бегона бўлган туйғулар билан бойитадиган ахборотлар урчиб бормоқда. Аммо аксарият ота-она фарзандининг қалби ва ички дунёсида кечаётган бу ўзгаришнинг сабабчиси мана шундай ахборотлар эканлиги ҳақида чуқур ўйлаб кўрмайди. Бугун ота-она зиммасига фарзандини ахборот хуружларидан ҳам ҳимоя қилиш вазифаси юкландики, бу вазифанинг қай даражада адо этилиши бевосита унинг эртанги тақдирига дахлдор вазифага айланмоқда.

Шу боис Президентимиз ташаббуси билан миллатимиз маънавиятини китоб ва китобхонлик ёрдамида юксалтириш ишларига эътибор янада кучайтирилди. 2017 йил 12 январда қабул қилинган "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Президент фармойиши билан ташкил этилган комиссия ўтган давр мобайнида изчил ишларни амалга оширди. Натижада "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. 2017 йил 13 сентябрда мамлакатимиз раҳбарининг "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу билан соҳани ривожлантириш, уни тараққий эттириш учун барча зарур ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланди.

Тараққиётда юксак марраларга эришаётган инсоният тобора ўзлигидан узоқлашиб, одамзотни асрлар давомида асраб келаётган тутумлар, қадриятлар завол топаётган, "оммавий маданият" аталмиш "оломончилик" инсон онги ва қалбини емираётган бугунги глобаллашув даврида мазкур ҳужжатнинг аҳамияти янада қадрли. Зеро, замонавий ахборот коммуникациялари юксак тараққиётга эришиб, ахборот олиш манбаларининг қулай ва тезкор воситалари оммалашганига қарамай кўпчилик ёшлар маънавий озуқани барибир китобдан олмоқда. Хўш, болаларга мўлжаллаб чоп этилаётган китоблар бугун улар учун қанчалик мос келади? Уларнинг маънавий дунёси бойиши ёки қашшоқлашувида аҳамияти қай даражада?



Қуйида шу каби саволларга жавоб қидирамиз.

— Болалар адабиётининг асосий вазифаси — болалар тасаввури доирасида борлиқ: одамлар, турфа олам, табиат, санъат ҳақидаги билим ва дунёқарашларни шакллантиришдан иборат, — дейди Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Даврон Улуғмуродов. — Болаларга мўлжалланган китоб чоп этишда биринчи навбатда унинг тарбиявий томонларини ҳисобга олиш керак. Шу жиҳатдан олиб қарасак, болалар адабиёти уларнинг тарбия ва билим олишида ўз таъсирини кўрсатиши лозим. Болалар адабиётининг асосий вазифаси шу билан кифояланмайди, албатта. Бизга маълумки, болалар руҳияти катталарникидан кескин фарқланади. Уларнинг аксарияти дунёни фақат шодлик ва қувончга тўла, деб тасаввур этади. Шу сабаб болалар адабиёти нашрида оламга ишонч ва умид билан қарашга ўргатувчи, яхшиликнинг ёмонликдан устун келиши, ростлик ёлғонни енгиб ўтгани каби ғояларни ўзида мужассам этган асарлар танлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.




"Ўзбекистон миллий энциклопедияси" давлат илмий нашриёти илмий муҳаррири Лайло Ҳасанованинг таъкидлашича, Интернет тармоғида "book.uz" сайти ишга туширилган. Сайтда мамлакатимиз ноширлик ва матбаа соҳасидаги янгиликлар, чоп этилаётган китоблар аннотацияси бериб борилади. Шунингдек, сайтдаги электрон дўкондан нашриётда чоп этилган китобларни харид қилиш имконияти бор. Сотиб олинган китоб почта хизмати орқали китобхонга етказилади. Тўғри, бугун китоб дўконларида болалар учун мўлжалланган китоблар кам эмас. Лекин уларнинг аксариятининг асосан муқоваси ва суратлари жимжимадорлигига эътибор қаратилаётир, холос. Афсуски китоб маъно-мазмуни ҳақида эса бундай гапни айтиб бўлмайди.

— Яқинда боғча ёшидаги болаларга мўлжалланган "Мактабгача ёшдаги болаларнинг катта китоби" номли китоб сотиб олиб, афсусландим, — дейди Лайло Ҳасанова. — Китоб рус тилидан айнан таржима қилинган. Устига устак хатолари жуда кўп. Тўғри, дунё тажрибасидан ўрганиш, ўрни келганда ундан фойдаланиш яхши. Аммо ҳар бир миллатнинг ўз тийнати, тили ва маданияти бор. Китобни нашрга тайёрлашда мана шу жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Уларни қориштириш, ўзга миллат урф-одатларини миллийлик рамзи сифатида ўз фарзандларимизга тақдим этмаслигимиз керак.

Гап китобларнинг маъно-мазмуни, ундаги ахборотнинг бола соғлиғига зарар етказиш-етказмаслиги ҳақида кетар экан, бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Афсуски, гапимиз аввалидаги ошнамнинг укаси айтган "уятсиз" китоблар нашри чекловига ҳали-ҳамон тўлиқ эришолганимиз йўқ. Бунинг учун маълум маънода вақт талаб қилиниши мумкиндир, аммо фақат ўша кунни кутиб яшаш ҳам ярамайди. Тизимдаги китоб нашр этишга тааллуқли мавжуд қонун-қоидаларни мукаммаллаштириш, қўшимча аниқ мезонлар ишлаб чиқиш ва уларни кенг жорий этиш мавриди келди.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш ("Ўзстандарт") агентлигининг китоб маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар учун белгилаб берган стандартларининг кўпчилиги бугунги тезкор замон талабларига мос келмаслиги ҳам бор гап. "Болалар учун китоб нашрлари. Техник талаблар", "Китоб нашрларининг умумий техник талаблари", "Болалар учун китобларнинг техникавий шартлари" каби стандартлар шулар жумласидандир. Бунинг, албатта, ўз сабаблари бор. Чунки давр ўзгариши билан истеъмолчининг талаби ҳам ошиб ва ўзгариб бораверади. Шу боис бу борада ҳам қатор вазифалар ижросига киришилган.

— Бу стандартларнинг кўпчилиги ҳар беш йилда қайта ишлаб чиқилади, — дейди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги матбаа корхоналарини сертификатлаш ва стандартлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Шавкат Юсупов. — Қайта ишлаб чиқилган стандартлар "Ўзстандарт" агентлигига тақдим этилади. Шу кунларда биз мазкур агентликка 25 стандарт тақдим этганмиз. Тизим корхоналари фаолиятига доир мазкур стандартлар шу тариқа амалиётга қайта жорий этилади. Бугунги тезкор ва шиддатли замон стандартларни қайта ишлаб чиқиш муддатини қисқартиришни ҳам талаб этмоқда. Албатта, бу ҳақда ҳам келгусида тегишли вазифаларни амалга оширишни мақсад қилганмиз.

Албатта, китобнинг сифати ва нархи ҳам муҳим масала. Лекин биринчи навбатда унинг маъно-мазмунига эътибор қаратиш керак. Чунки ичи пуч нарсани ўқувчига қанчалик чиройли муқовада тақдим этманг, уларнинг онги, қалби ва дунёқарашида ўзгаришлар юз бермаса — барчаси бекор. Бозор иқтисодиёти ўз йўлига, бироқ сирти ялтироқ, ичи қалтироқ "китоб"лар билан ўқувчини алдаб бўлмайди.

— Болалар адабиётини нашр этиш соҳасида асосий ўринни, албатта, бадиий адабиётлар эгаллайди, — дейди ЎзМТДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоев. — Бадиий адабиётларни чоп этишда, биринчидан, боланинг ўз ички оламини англашини, атрофдагилар ва умуман ҳаёт билан таништиришни, иккинчидан, унинг нафақат ақлий заковатини кучайтиришни, балки шахсий туйғуларини ҳисобга олиш ҳам жуда муҳим. Бола тарбиясида китобнинг аҳамияти катта. "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунида китобни боланинг ёшидан келиб чиққан ҳолда нашр этиш белгилаб қўйилди. Айтиб ўтиш лозимки, шу пайтгача бу йўналишда аниқ бир меъёр ишлаб чиқилмаган эди.

Депутат берган маълумотларга кўра, янги қонун бўйича ахборот маҳсулотларининг ёшга оид таснифи 5 та турга бўлинган. Агар ахборот маҳсулотига "0+" ёзуви акс эттирилган бўлса, демак, у барча ёшдаги болаларга мўлжалланган ахборот маҳсулоти ҳисобланади. Агар "18+" ёзуви акс эттирилган бўлса, бу барча ёшдаги болалар учун тақиқланган ҳисобланади.

Бир акамиз яқинда кўнгил ёриб қолди: "Декамерон" асарини эртароқ ўқиб қўйган эканман...". Унинг ҳаётидан, юриш-туришидан озми-кўп хабарим борлиги учун нима демоқчилигини дарров англадим. Шу сингари ўқувчининг ўз ёшига мос келадиган китобни ўқиши унинг эртанги камолоти, олам ва одам ҳақидаги тасаввурининг қай йўсинда куртак очишига сабаб бўлади. Бадиий асарларда учрайдиган баъзи бир саҳналар бола ва ўсмирнинг маънавий дунёсига путур етказиши мумкин. Шу маънода китобда ёшни чегаралаш масаласи анчайин долзарб. Бу тажриба чет элда ҳам ўзининг ижобий натижасини берган.

Яна бир муҳим жиҳат: "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра, болаларга мўлжалланган китобларнинг ёшга оид таснифини белгилаш ишлаб чиқарувчилар ва тарқатувчилар томонидан, шу жумладан, экспертларни жалб қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш бошлангунига қадар амалга оширилади, деб белгилаб қўйилган. Бунда экспертдан ўтказиш харажатлари буюртмачи томонидан қопланади.

Чоп этилган китобларни китобхонларга етказиб бериш масаласи ҳам долзарб муаммолардан бири бўлиб келаётган эди. Агар етказилган тақдирда ҳам устама нархлар билан ҳақиқий баҳосидан анча қиммат бўлиб етиб борарди. Бу республикамизда фаолият юритаётган деярли барча нашриёт ва босмахоналарнинг умумий муаммосига айланганди, десак ҳам муболаға бўлмайди. Бу масала ҳам юқорида айтиб ўтилган қарорда ўз аксини топган.

Шу мақсадда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги кенг миқёсдаги ишларни амалга оширмоқда. Агентлик ва "Ўзбекистон почтаси" АЖ ҳамда Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги билан биргаликда қўшма қарор тайёрланди. Қарорда кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тасарруфидаги нашриётлар ўз каталогларини тайёрлайди ва республиканинг энг чекка ҳудудида ҳам мавжуд бўлган почта бўлимларига юборади. Ушбу каталог орқали китобхонлар нашриёт нархида китобларга буюртма бериши мумкин бўлади. Почта бўлими хизмати аввалдан белгиланган устама ҳақ эвазига буюртмани амалга оширади. Ҳозирги вақтда ушбу тизимни мунтазам йўлга қўйиш бўйича қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Мухтасар айтганда, маънавий эҳтиёжни қондириш борасида китобнинг ўрни беқиёс. Шундай экан, болалар адабиёти, унинг шакл-шамойили, маъно-мазмуни ва китобларни истеъмолчига етказиш борасида бажарилиши лозим бўлган талай вазифалар ижроси барчамиздан масъулият талаб этмоқда. Ота-она ҳам фарзанди ўқиётган китобнинг маъноси, унинг ёшига мос келиш-келмаслиги билан мунтазам қизиқиб бориши керак. Зеро, унинг бугунги олаётган таълим-тарбияси бутун умрлик ҳаётини белгилаб беради. Агар фарзандларимизни ёшлигидан асл дурдона асарларга ошно эта олсак, уни аждодларимизга муносиб авлод сифатида тарбиялай олган бўламиз. Шундай экан, ёшларнинг камолотига хизмат қиладиган креатив ахборот муҳитини яратиш, болаларни уларнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган ахборотлардан муҳофаза қилиш, энг яхши дўст — китобга бўлган муҳаббатини шакллантириш эртанги кунимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлишини унутмасак бўлгани.

**Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Миллий ғурур

***Навқирон авлоднинг интеллектуал ва жисмоний салоҳиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида юртимизда шахмат ҳам жадал ривожланмоқда. Ўзбек шахмат мактаби вакиллари шахмат олимпиадаси, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори натижаларга эришмоқда. Ўтган 2017 йил Нодирбек Абдусатторовнинг ҳаётида ўчмас из қолдирди. 13 ёшли шахматчимиз халқаро гроссмейстерлик унвонининг учинчи меъёр талабини бажарди. Эришилган муваффақият дунё шахмат мутахассислари, мухлислари томонидан катта воқелик сифатида эътироф этилди. Ўз навбатида, мамлакатимизда ҳам бу хушхабар зўр қувонч, катта тантана билан қарши олинди.***

# ЎЗБЕКИСТОН — ИСТЕЪДОДЛАР МАМЛАКАТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида бошқариш тизимини такомиллаштириш, иқтидорли спортчиларни танлаш ва тарбиялаш, замонавий спорт иншоотларини барпо этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Нодирбекнинг мазкур натижаси алоҳида қайд этиб ўтилди. Давлатимиз раҳбари ёшларимиз барча соҳа қатори спортда ҳам улкан ютуқларни қўлга киритишда давом этиши учун давлатимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигини янада чуқур ҳис қилиши, юртга дахлдорлик туйғуси билан камол топиши муҳимлигини билдириб, ёш халқаро гроссмейстерга энг сўнгги русумдаги ноутбук (Macbook) совға қилди. Президент совғаси Шахмат бўйича республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабида тантанали равишда топширилди.



...Нодирбек Абдусатторов 7 ёшидан шахмат билан жиддий шуғуллана бошлаган. Доналарнинг сирли қад-басти уни ўша пайтдаёқ буткул ўзига ром қилган. Ота-она ундаги истеъдодни ўз вақтида англади ва фарзандининг шахмат билан жиддий шуғулланишига имкон қадар шароит яратиб берди.

— Нодирбек шахматга икки-икки ярим ёшлигиданоқ қизиқа бошлади, — дейди онаси Марзия опа. — Бошда шунчаки ўйинчоқ сифатида ўйнаяпти, десак, тўрт ёшга кирганида бу шунчаки ҳавас эмас, балки кучли иштиёқ, қатъий қарор эканлигини англадик. Унинг ёшлигидан зеҳни ўткир, хотираси кучли эди. Дадаси билан бирга уни имкон қадар ҳам руҳан, ҳам маънан қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдик. Баъзан соатлаб мук тушиб, дона сурарди. Математика фани ўғлимнинг ютуқларига замин яратди, дейишим мумкин. Фан унга шахматни диққатни жамлаб, кучли хотира ила чалғимасдан, аниқ ҳисоб-китоб асосида иш олиб бориш лозимлигини ўргатди.

Нодирбек Абдусатторов етти ёшида профессионал шахматга кириб келди. Ундаги шахматга бўлган алоҳида меҳр ва иштиёқни пайқаган мураббийси халқаро гроссмейстер Дмитрий Қаюмов Нодирбекни машғулотларда тоблай бошлади. Тинимсиз меҳнат ва изланишлар ўз самарасини кўп куттирмади: Нодирбек саккиз ёшида ўз ёш тоифасида жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлган пайт у тенги болалар ўйинчоқ ўйнаб, кўчада копток тепиб юрар эди.

Бу Нодирбекка бирин-кетин халқаро турнирлар учун йўл очиб берди.

— Қирқ беш йилдан бери мураббийман, жуда кўп салоҳиятли ёшлар, халқаро спорт усталарига устозлик қилдим, лекин Нодирбекдаги фавқулодда истеъдод жуда камёб ҳодисадир, — дейди Дмитрий Қаюмов. — Унга етти ёшлигидан бери мураббийлик қилиб келаман. Ўтган 5-6 йил давомида Нодирбек анча чархланди, тажрибаси ошди. Шогирдим шахматни шунчаки ўйнамайди. Унинг ўз тактикаси, ўйин услуби ва позицияси бор. Ютуқларининг ягона сири — аъло даражада шаклланган хотираси. Бундан ташқари, ҳар бир партияда ғалабага интилиб, ички хотиржамлик билан дона суриши унга муваффақият олиб келади.

2017 йилнинг 29 октябрь куни Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида Михаил Чигорин хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда Нодирбек Абдусатторов ҳам иштирок этди. Тўққиз имкониятдан 6,5 очко жамғарган истеъдодли шахматчимиз Д.Беленкая (Россия, 2343), С.Сетураман (Ҳиндистон, 2632), Е.Левин (Россия, 2545) сингари халқаро гроссмейстерларни мағлуб этиб, Е.Воробьев (Росия, 2555), А.Тимофеев (Россия, 2549), Е. Алексеев (Россия, 2622) каби гроссмейстерлар билан дуранг ўйнади ва натижада учинчи бор белгиланган талабни бажариб, халқаро гроссмейстер унвонига эришди.

— Халқаро турнир жуда шиддатли ва муросасиз кечганди, — деб эслайди Нодирбек. — Аммо ғалабага бўлган ишонч, юртимга ёруғ юз билан қайтиш иштиёқи мени бир нафас бўлса-да тарк этмади. Натижада кўзлаган мақсадимга эришдим. Шахмат шундай ўйинки, унда ақлий тафаккур биринчи ўринда туради. Ортиқча ҳис-ҳаяжонга берилмай, рақибингизнинг ҳар бир юришини диққат билан кузатиб ҳаракат қилсангиз, шахмат тахтасидаги оқ ва қора катакларда жойлашган доналарнинг жойлашув жадвалини хаёлан тўғри туза олсангиз, улоқ сизда кетди, деяверинг. Ҳар бир партия олдидан ўзимда ушбу кўникмаларни шакллантиришга ҳаракат қиламан.

Жаҳон шахмати тарихига ўз номини, ўзбекистонлик эканлигини муҳрлаб қўйган шахматчимиз барча халқаро мутахассислар эътиборида. Унинг ғалабаси, эришган натижалари ҳақида жаҳон матбуоти, Интернет сайтларида бонг урилди. Бу материалларда қуйидаги сарлавҳаларни кўриш мумкин: "Nodirbek Abdusattorov el genio uzbeko de 11 anos que amenare el keinado de Magnus Carlsen" — "Нодирбек Абдусатторов, Магнус Карлсен ҳукмронлигини таҳликага солган 11 ёшли ўзбек даҳоси" — (lavanguardia.com); "Course au record" — "Рекорд сари йўл" — (echiquier-bordelais.fr); "Nodirbek Abdusattorov: The next Kasparov?" — "Нодирбек Абдусатторов навбатдаги Каспаровми?" (chess.com).

Нодирбек шу ёшидаёқ ўзбек шахмати ривожига катта ҳисса қўшишга улгурди. Унинг ушбу ғалабаси жаҳон шахмати тарихида иккинчи натижадир. Бу борада у Магнус Карлсен, Фабиано Каруана, Уэсли Со, Максим Вашье-Лаграв, Вей И, Юй Янъи, Аниш Гири каби жаҳоннинг етакчи шахматчиларини ортда қолдирди. 2004 йил 18 сентябрда туғилган Нодирбек 13 ёшида халқаро гроссмейстер даражасига эришди. Россиялик Сергей Карякин ундан олдинроқ, яъни, 12 ёшу 7 ойлик бўлганида гроссмейстер бўлган.

2017 йил 21-23 декабрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Ал-Айн шаҳрида Осиё шахмат федерацияси томонидан Осиё саммити ташкил этилди. Унда дунёнинг энг ёш гроссмейстери, жаҳон шахмат тарихида иккинчи энг ёш гроссмейстер ҳисобланган Нодирбек Абдусатторов "Йилнинг энг яхши ўсмир шахматчиси" мукофоти билан тақдирланди.

Бу каби ғалаба, мукофотлар иқтидорли ватандошимиз ҳаёти, фаолиятида сўнгги натижа эмас. Нодирбек Абдусатторов дунё шахмати тарихида ўчмас из қолдирадиган, ўзига хос иқтидор эгаси эканлигига давлатимиз раҳбари, халқимиз, шу билан бир қаторда дунё шахмат мутахассислари ҳам ишонч билдирмоқда.

Ишонч ва рағбат, имконият ва шароит ўз мевасини бермасдан қолмайди. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалдаги ижроси, келажак авлодга қаратилаётган эътибор самараси ўлароқ Нодирбек сингари ёшларимиз жаҳонга ўз баралла овози, кучли салоҳияти, ўткир зеҳни билан юз тутаётир.

**Нигора НИШОНБОЕВА,**
**"Milliy tiklanish"мухбири**

Бизнинг шарҳ

# ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЧИЛИК — ДАВР МУАММОСИ

***Бугун одам савдоси жинояти сайёрамизнинг барча нуқтасини қамраб олиб, глобал тус олмоқда. Меҳнат миграцияси, ахборот алмашинувининг кучайиши одам савдоси билан шуғулланадиган жиноятчи гуруҳларга ўз қабиҳ ниятларини амалга оширишга имкон яратиб бераётир. Сайтлар ва ижтимоий тармоқларда пайдо бўлаётган "юқори даромадли" иш таклиф этувчи турли эълонлар одамларни чалғитиб, енгил пул топиш илинжида юрганларни ўзига жалб қиляпти. Одам савдосининг қурбонига айланаётганларга, одатда, ҳаддан ортиқ ишонувчанлик, ўз ҳуқуқини билмаслик ва ночорлик панд бермоқда.***



Ҳақли савол туғилади: инсоният ўз тараққиёти давомида қулдорлик тузумини босиб ўтиб, янги ривожланиш босқичларини бошдан кечиргач, яна "қулдорлик" муаммосига дуч келаётганига сабаб нима?

Одам савдосига қарши курашиш тарихига назар ташласак, "тирик товар" савдоси ҳақидаги илк қайдларни қадимги Миср ва Месопотамиянинг ёзма манбаларида учратиш мумкин. Айнан ўша даврда қулчилик давлат иқтисодиётининг асосий омилларидан бири бўлган. Африкадан олиб келинаётган арзон ишчи кучи Миср, Финикия, Юнонистон, Рим, кейинчалик Туркия, Эрон, Арабистонга етказиб берилган. Ғарбий Европада одам савдоси билан асосан, скандинавиялик викинглар, итальян, португал савдогарлари шуғулланган. Лекин бу фаолият XIX асрга келиб барҳам топди. Қулдорлик даврида Африкадан Шимолий ва Жанубий Америкага жами 12,5 миллион қул олиб келинган. Саудия Арабистонида қулчилик XX асрнинг 80-йилларигача давом этди.

XVII асрга қадар одамларни қул сифатида сотиш давлат ихтиёрида бўлган, 1698 йили инглиз парламенти жисмоний шахсларга ҳам одам савдоси билан шуғулланишга рухсат беради. XVIII асрга келиб Буюк Британияда қулчиликка қарши кураш ҳаракати бошланади. Парламент аъзоси Уильям Уилберфорс (1759-1833) қул савдосига қарши кураш тўғрисида ишлаб чиққан биринчи қонун лойиҳасини 1791 йилда кўпчилик қонун ижодкорлари маъқуллади. 1798 йили қулчиликка қарши илк Африка ассоциацияси тузилди. Унинг талаби билан Буюк Британия парламенти қуллар аҳволини ўрганиш учун комиссия ташкил қилди. Натижада у қуллар ҳаётини енгиллаштирувчи биринчи ҳужжатга айланди. 1807 йил 25 мартда Британия парламенти "Одам савдосини тақиқлаш тўғрисида"ги актни қабул қилди. Қул савдоси Вена (1815 йил) ва Верона (1822—1823 йиллар) шаҳарларида ўтказилган конгрессларда халқаро миқёсда қораланди. Фақат 1848 йилдаги исён натижасида Франциянинг мустамлака мамлакатларидаги қуллар озод қилинди. АҚШда эса қуллар 1865 йилда озодликка эришган. 1890 йилдаги Брюссель конференциясида Африкада одам савдосига барҳам бериш борасида халқаро чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

XX асрда рўй берган инсоният тарихидаги энг қирғинбарот урушлар оқибатида аёлларнинг Европадан Америка ва Шимолий Африка қитъаларига кенг кўламли миграцияси ҳамда уларни сотиш бошланди. Одам савдосига барҳам бериш мақсадида 1902-1910 йилларда Париж шаҳрида иккита конференция ўтказилиб, Оқ танли қуллар савдосига қарши кураш тўғрисидаги конвенция амалга киритилади. 1948 йилда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинди. Шундан сўнг Инсон ҳуқуқларининг Европа конвенцияси, Қуллик хусусидаги, Қулликни йўқотиш амалиёти тўғрисидаги, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги, Аёлларга қарши дискриминациянинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш тўғрисидаги конвенциялар қабул қилиниб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўлланила бошланди.

Айни пайтда трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлган одам савдоси замонавий кўринишдаги қулдорлик сифатида кенг тарқалмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда Миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий хулосаларига кўра, ундан жабр кўрганлар сони бир неча ўн миллионни ташкил этади. БМТ маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича 700 мингдан зиёд шахс одам савдоси қурбонига айланмоқда. Интернет, хусусан ижтимоий тармоқларнинг тараққий этиши замонавий қулликни келтириб чиқарди, бунга асосан ноқонуний йўл билан иш излаб ўзга юртга кетиш билан боғлиқ ҳолатлар сабаб бўлаётир. Айни шу мақсадда ЮНЕСКО 23 август санасини Халқаро одам савдоси қурбонлари хотираси куни, деб эълон қилган.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бу соҳада қонун ижодкорлиги, ташкилий-тузилмавий, мониторинг-назорат ва ахборот-таълим йўналишларида давлат сиёсати ишлаб чиқилган ва изчиллик билан амалга оширилаётир. Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир 70 дан зиёд халқаро ҳужжатга қўшилган. Бу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари бугунги кунда мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини тартибга солувчи 700 дан ортиқ қонун ва 16 та кодексга имплементация қилинган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги резолюцияси билан қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенция, шунингдек, Одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги қўшимча протокол ҳам ратификация қилинди. Шунингдек, мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосининг хавфли кўринишларига қарши кураш ҳақида бир қатор шартнома ва келишувлар имзоланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни ҳамда 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори мамлакатимизда одам савдоси жиноятига қарши курашишнинг миллий қонунчилик асосларини яратиб берди. Шунингдек, одам савдосига қарши курашиш, бундай жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари комплекс характерга эга эканлиги инобатга олиниб, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тузилди. 15 вазирлик ва ташкилот аъзо бўлган комиссия одам савдосига қарши курашишни мувофиқлаштириб бормоқда. Профилактик чора-тадбирлар кучайтирилди. Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси намуна бўлишга арзиши халқаро анжуманларда эътироф этилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги "Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорининг иккинчи бандига асосан одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича ушбу марказнинг асосий вазифалари ва функциялари белгиланди. Булар одам савдоси жабрдийдаларини қулай яшаш ва шахсий гигиена шарт-шароитлари, шунингдек озиқ-овқат, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, уларга кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа ёрдам кўрсатиш, хавфсизлигини таъминлаш, одам савдосидан азият чекканларнинг қариндошлари билан мулоқот ўрнатишида кўмаклашиш, қариндошлари ва васийларига одам савдоси жабрдийдаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўғрисида ахборот беришдан иборат.

— Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини поймол этишга қаратилган одам савдоси жиноятига қарши курашиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган, — дейди Тошкент шаҳар "Истиқболли авлод" ижтимоий-ахборот маркази директори Нодира Каримова. — Бу борада давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Марказимиз Ички ишлар вазирлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан нафақат мамлакат ичида, балки турли хорижий давлатларда оғир вазиятларга тушиб қолаётган фуқароларимизга ёрдам беришда доим биргаликда ҳаракат қилиб келмоқда. Кейинги пайтда ана шундай ҳамкорлик натижасида ўн мингга яқин юртдошимизни ўз уйига қайтаришга эришдик. Уларга, айниқса, хотин-қизларга ҳаётда ўз йўлини топиши учун кўмак кўрсатилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, бандлигини таъминлаш, меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай бўлса-да, улар орасида номақбул ишлар билан шуғулланаётган, хотин-қизларни алдов йўли билан хорижга мўмай даромад, яхши шароитлардаги ишни ваъда қилиб, улардан бойлик орттириш воситаси сифатида фойдаланаётганлар ҳам, афсуски, учраб турибди.

Уларнинг тузоғига илиниб, одам савдоси қурбони бўлган юртдошларимизнинг қисмати барчамизни янада огоҳ бўлишга ундайди.

— Мен Туркияда уч йилдан буён бир хонадон хизматини қиламан, —дейди Марҳабо А. (исми ўзгартирилган) — Ўзбекистонда онам қўлида ногирон бир қизим, мактабда ўқийдиган икки фарзандим қолган. Уларни келажакда ўқитиш, уйли-жойли қилиш учун ўзга юртларда сарсон бўлишга мажбурман. Тўғри, бу ерда унча-мунча маблағ топсам-да, хонадон эгаларининг менга қулдек муносабатда бўлиши бошида оғир ботган эди. Аммо начора, инсон барчасига кўникар экан.

Унинг айтишича, дастлаб хорижга келганида айрим нопок кимсалар томонидан паспорти олиб қўйилгани боис олти ой текин ишлаб беришга мажбур бўлган. Сўнг уй йиғиштира туриб, ўз паспортини топиб олгач, тунда ушбу хонадондан қочиб кетган. Шундан сўнг "инсофли" иш берувчига йўлиққан экан.

Марҳабога бу борада омад кулиб боққан бўлса, Россия, Жанубий Корея, Туркия, Таиланд, Малайзия, Қозоғистон, Швецияга ноқонуний кетаётган минглаб юртдошларимизнинг аксарияти билиб-билмай қул жаллоблари тўрига илинмоқдалар. Хорижда давлатнинг қонунчилиги, тили, ишга ёллаётган шахсларнинг аслида кимлигини билмай туриб, аксарият юртдошларимиз ўз ҳаётларини уларга кўр-кўрона ишониб топширмоқда.

"Истиқболли авлод" ижтимоий-ахборот маркази ходимларининг фикрига кўра, айрим фуқароларимизнинг ушбу жиноят қурбонига айланишига одамларимизнинг соддалиги ва ишонувчанлиги, тез вақт ичида моддий муаммоларни ҳал этиш илинжи, енгил иш топиш орзуси, ҳуқуқий билимларга эга бўлмаслик, айрим нопок инсонларнинг ғайриинсоний ва ғайриқонуний ҳаракатлари, жиноятдан жабрланганларнинг дунёқараши торлиги, етарли даражада таъсирчан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормаслик сабаб бўлмоқда. Шундай экан, бугунги кунда хотин-қизлар етакчилари, маҳалла маслаҳатчилари, кўпни кўрган онахонлар, маънавият жонкуярлари, устоз ва мураббийлар аёллар ўртасида содир этилаётган турли жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини янада оширишi давр талабидир.

Меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, фуқароларнинг чет элда ишга жойлашишини таъминлаш масалаларини ҳал этиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элларда меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига юклатилган.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги масъул ходимининг билдиришича, Ўзбекистон Жанубий Корея, Россия Федерацияси каби давлатлар билан қонуний асосда меҳнат муносабатларини ўрнатган. Ишчилар шу давлатларга меҳнат шартномалари асосида жўнатилмоқда. Келгусида бундай ҳамкорлик Япония, Польша давлатлари билан ҳам йўлга қўйилади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, одам савдосидек глобал муаммолардан фуқароларимизни асраш борасидаги чора-тадбирлар изчил давом эттирилади. Лекин, энг асосийси, ҳар биримиз доим ҳушёр бўлмоғимиз, нопок кимсалар алдовига учиб қолмасдан, қонуний ва ҳалол йўл билан меҳнат қилмоғимиз лозим.

**Наргис ҚОСИМОВА,**
**журналист**

Рангин дунё

# ВАНКУВЕР КУТУБХОНАСИ

## САЛКАМ 150 ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА

***Ванкувер жамоат кутубхонаси Канаданинг шу ном билан аталувчи шаҳрида жойлашган бўлиб, нафақат мамлакат, балки дунёдаги энг муҳташам ва замонавий зиё масканларидан саналади. Ҳар йили қарийб 7 миллион китобхон бу муассаса хизматидан фойдаланади. Кутубхонада 2,6 миллион нусхада китоб, даврий нашр, харита, маълумотномалар сақланади. Муассасанинг 22 филиал ҳамда рўйхатдан ўтган 428 минг нафар доимий китобхони мавжуд.***



Кутубхона салкам 150 йиллик тарихга эга. 1869 йилнинг январь ойида тахта тиладиган завод бошқарувчилари Гастингс-Милл ҳамда Реймур ишчилар учун кутубхонаси мавжуд Нью-Лондон механика институтини ташкил этишади. Институт ўша йилнинг март ойида контр-адмирал Жордж Фоулер Гастингс шарафига Гастингс адабиёт институти деб қайта номланади ва 1886 йилнинг 6 апрелига қадар фаолият кўрсатди. Фаолиятини тугатганидан сўнг унинг кутубхонасидаги 400 китоб мўъжаз Ванкувер кутубхонасига топширилади. 1887 йили кутубхона Вест Кордова-стрит (кўчаси)даги бинога кўчиб ўтди. Бироқ XIX асрнинг 90-йиллари охирида кутубхона фаолият кўрсатган бино талабга жавоб бермай қолади. Ўша пайтда америкалик ишбилармон ва миллионер Эндрю Карнеги кўплаб шаҳарларга кутубхона қуриш учун хайрия маблағлари ажратиши билан ном қозонган эди. Шаҳар маъмурияти ҳам вазиятдан чиқиш учун Ванкувер шаҳрида янги кутубхона қуришда ёрдам сўраб Карнегига мурожаат қилади. Карнеги кутубхона қурилиши учун 50 минг доллар маблағ ажратади. Шаҳар маъмурияти эса кутубхона биносини барпо этиш учун алоҳида ер майдони ажратиш ҳамда муассасанинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили 5 минг доллар сарфлаш мажбуриятини олди. Бироқ кутубхона биносини шаҳарнинг қайси қисмида қуриш масаласида бир тўхтамга келиш бироз қийин кечди. Шу боис мазкур масала умумхалқ овозига қўйилиб, кутубхонани Гастингс-стрит ҳамда Вестминстер-стрит (кўчалари) оралиғидаги ер майдонида қуришга қарор қилинади.

1902 йилнинг 29 март куни кутубхонанинг тамал тоши қўйилди. Бинони маҳаллий меъмор Жорж Грант ўзига хос услубда бунёд этди. Унинг пойдевори учун фойдаланилган гранит мамлакатнинг шарқий қисмида жойлашган Индиан-Арм дарасидан, деворларга ишлатилган қумтош Габриола оролидан келтирилди. Кутубхонанинг айланма зинаси эса Виктория шаҳридаги "Albion Iron Works" заводида сифатли мармардан ясалган. Қурилиш ишлари учун жами 2 миллион 279 минг доллар сарфланди. Кутубхонанинг шифти мустаҳкам ёғочдан, поли эман дарахтидан тайёрланди. Бино бир пайтлар ўқув хоналари, шахмат билан шуғулланиш, газета ўқиш учун махсус хона, расмлар галереясига эга бўлган, иншоотнинг учинчи қаватида санъат, тарих ва фан ассоциацияси фаолият юритган. Бугунги кунда мазкур бинода жамоатчилик маркази фаолият кўрсатмоқда. Зиё маскани 1957 йилнинг 1 октябрида Беррард-стритдаги янги бинога кўчиб ўтади. Ушбу бино 1995 йилга қадар кутубхонанинг асосий иншооти бўлиб келди.

Кутубхонанинг ҳозирги бош биносини таниқли меъмор Моше Сафди 1995 йилда ўзига хос услубда бунёд этган. Шаҳарнинг Уэст Жоржия-стрит (кўчаси)даги мазкур бинони қуриш учун 106,8 миллион канада доллари сарфланди. Бино айлана шаклида бунёд этилган бўлиб, Рим колизейини эслатади. Бош бинонинг ён томонидаги ёйсимон шаклли тўсинлари бор бинода ўқув хоналари ўрин олган. У бош бино билан кўприк воситасида туташтирилади. Мажмуага яқин жойда тўққиз қаватли тўғри тўртбурчак шаклидаги бино жойлашган. Унда китоб омбори ва кутубхона хизматлари мавжуд. Кутубхона бош биносининг том қисмида канадалик дизайнер Корнелия Оверлэндер лойиҳаси асосида боғ барпо этилган.

Кутубхонанинг илк филиали 1927 йилда, иккинчиси 1943 йилда очилган. Муассасанинг сўнгги филиали 2011 йилдан бошлаб иш бошлаган ва у кутубхона жамғармаси кенгаши раиси Терри Салман номи билан аталади.

Кутубхона веб-сайти саккиз тилда юритилади. Унда кутубхонага тегишли адабиётларнинг электрон нусхаси жойлаштирилган.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ**

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### АҚЛ ЁШДА ЭМАС...




***Ўн икки ёшли Гитанжали Рао сув таркибида қўрғошин борлигини аниқлашнинг тез ва арзон усулини ўйлаб топгани учун 2017 йилда АҚШнинг энг яхши ёш олими сифатида эътироф этилди, деб хабар беради "forumdaily.com".***

У илмий фаолият билан боғча пайтидан бошлаб шуғулланади, десак муболаға бўлмайди. Чунки унинг ҳисобида ҳозирча саккиз ихтиро мавжуд. Бироқ Гитанжали ихтиро қилган 10 сонияда сув таркибидаги қўрғошин даражасини аниқлаб берувчи 3D-принтерда чоп қилинган ускуна унга чинакам шуҳрат олиб келди.

Қизча яратган "Tethys" номли ускунада углеродли нано-найчалардан иборат фильтр мавжуд бўлиб, у сувдаги қўрғошин миқдорини тез аниқлайди. Ускуна Bluetooth-узатгич билан таъминланган. Унинг вазифаси текширув натижасини смартфон экранига узатишдан иборат.

Гитанжали ўз ихтироси билан Мичиган штатидаги Флинт шаҳри аҳолисига ёрдам беришга қарор қилди. 2016 йилда шаҳар аҳолиси қўрғошинли сувдан тарқалган инфекциядан азият чеккан эди.

Ихтиро учун Гитанжалига 25 минг АҚШ доллари миқдорида мукофот пули берилди. Ускунанинг нархи ҳозирча 20 долларга баҳоланмоқда.

### БЕКАТ 3D ПРИНТЕРИ ВОСИТАСИДА ТАЙЁРЛАНДИ




***Хитойда 3D-принтерда чоп этилган дунёдаги илк автобус бекати очилди, дейилади "hi-tech.mail.ru" сайтида.***

Бундан аввал Нидерландияда 3D-принтерда чоп этилган велосипед кўприги очилган эди. Энди Хитойнинг "WinSun Construction" компанияси 3D-принтерда чоп этилган дунёдаги биринчи автобус бекатини намойиш этди.

У компаниянинг Шанхайдаги заводида қайта ишланган чиқинди материаллари ва бетондан ишланди. Сўнгра Шанхай шаҳридаги йўллардан бирига ўрнатилди. Аввал бу ерда фақат автобус бекати белгиси турган.

### ҚАНОТЛИ СИЧҚОН



***Палеонтолог олимлар Янги Зеландияда қирилиб кетган учар сичқон суякларини топди. Улар ороллар ҳудудида 16 миллион йил аввал яшаган. Бу ҳақда РАТА-ТАСС хабар тарқатган.***

Янги тур сичқон "Vulcanops jennyworthyae" деб номланди. Унинг вазни ҳозирги қондошлариникидан уч марта оғир бўлган, ов қилишда қийинчилик туғдирмаган.

Улар нафақат учиш, балки ерда ўрмалаш имкониятига ҳам эга бўлган. Бунга унинг махсус тирноқлари ёрдам берган. Бундан ташқари, улар анча йирик бўлгани сабабли кўп вақтини учиш эмас, балки юриш билан ўтказгани тахмин қилинмоқда.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

Хиёбон

# АДАБИЁТ — ГЎЗАЛЛИК ДЕГАНИ...

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ, ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ АЪЗОСИ ИҚБОЛ МИРЗО БИЛАН СУҲБАТ


Устозлар даврасида

**— Иқбол ака, Президентимизнинг депутатлар, сенаторлар тимсолида бутун халқимизга Мурожаатномаси кенг ва қизғин муҳокама қилинмоқда. Келажагимизни, истиқболимизни белгилаб берган, босиб ўтган йўлимиз таҳлил қилинган, ўта муҳим хулосалар чиқарилган ушбу катта дастур Сизнинг кўнглингиз ва онгингизда қандай акс-садо берди?**

— Дарҳақиқат, мазкур Мурожаатнома, ҳеч шубҳасиз, жуда катта жасорат ва журъат билан олдинга сурилган, халққа тақдим қилинган, халқини ўйлаб куюнадиган мард раҳбарнинг, миллат лидерининг фикр-мулоҳазалари, таклифлари, талаблари жамланган янги концепциядир. Унда аччиқ ҳақиқатлар айтилди, кескин хулосалар билдирилди, жамиятимиз, ҳаётимизга тушов бўлаётган масалалар кўтарилди. Мен бир жиҳатга алоҳида диққатни қаратмоқчиман. Албатта, бутун дунёдаги мамлакатлар билан борди-келди қилиш, муроса қилиш, улар билан келишишда Ўзбекистон манфаатидан келиб чиқиб сиёсат олиб бориш шарт. Президентимизнинг талаблари шундай бўляптики, биринчи навбатда, яқин қўшнилар билан тўғри муомалани, яқин муносабатни йўлга қўйишимиз керак. Ҳақиқатдан ҳам кейинги бир йил ичида қўшниларимиз билан янада яқинлашдик, ўзаро тил топишдик, имконият эшиклари очилди. Ҳал бўлмаётган чегара муаммолари ечим топди. Жудаям чигал, ҳал этиш мумкин бўлмаган муаммоларни осонгина ечиш мумкин эканлигини Президентимиз исбот қилиб берди. Бир қарашда бу осон туюлиши мумкин, лекин бунинг ортида Юртбошининг фидокорона хизматлари, жасорати, ишнинг кўзини билиши каби тараққийпарвар раҳбарларга хос бўлган хислатлари турибди. Шу билан бирга, ҳаётни қанчалик теран билиши, халқини яхши кўриши, халққа қайишиши, кўп йиллик тажрибалари бу борада асосий рол ўйнади, деб айтишимиз мумкин.

Мурожаатномада айтилган гаплар шунчаки гаплар эмас, балки Президентимиз амалга оширишимиз зарур бўлган жудаям долзарб масалалар тўғрисида аниқ-тиниқ ташхис қўйиб берди. Китоб, китобхонлик, адабий меросимизга, қўлёзмаларимизга бўлган муносабат тўғрисида, бугун ижодкорларга яратилган шарт-шароитлар, ижод мактаблари ҳақида айтилган фикрлар шу юртнинг бир ижодкори сифатида мени ҳам ниҳоятда тўлқинлантирди.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, яқинда Президентимиз ёзувчилар учун қурилган янги бино билан танишиш мақсадида Миллий боғда бўлганида биз билан дилдан суҳбатлашди. Ижод аҳлининг бугунги вазифаси тўғрисида қатор фикрларини айтиб ўтди. Айтдиларки, бизнинг кўп буюк адабиётимиз бор. Дунё аҳли маънавиятини бойитган боболаримиз руҳидан куч оламиз. Тоабад уларнинг қони вужудимизда оқар экан, ҳали биз гўзал ижод қиламиз, китоблар чоп этамиз.

**— "Шеърият ибтидо, шеърият охир..." деб ёзган эди устоз Рауф Парфи. Сиз учун шеърият нима?**

— Болалигимда шеърият мен учун ҳавас эди. Устозларга ўхшатиб шеър ёзсам роҳатланардим. Кейинчалик шеърият эҳтиёжга айланди. Шеър ёзишга одатланиб, ўрганиб қолдим. Шеър ўқимасам, шеър ёзмасам, хумор тутадиган бўлди. Шоир бўлиш орзусида юрган у маҳаллар ижодкорнинг асл масъулияти ҳақида ўйлаб кўрмаганман, эҳтимол. Орадан кўп яхши кунлар ўтди, кўнгил тўлмаган ишлар ҳам ортда қолди, орзулар ушалди.

Кейинчалик, шеър ёзиш устоз Муҳаммад Юсуф айтганидек жасоратдек, мардликдек туюлди. Кейин шеър изҳори дилга, кўнгилни тўкадиган воситага айланди. Бугун шеър мен учун сўз айтиш имкони, кўнгил, қалб эркинлигини ифода қилиш воситасига айланди. Мен шу тариқа кўнглимдаги, ўзимни ўйлантириб, қийнаб юрган гапларни шеърга солиб ёзаман. Соғинчларимни, ҳиссиётларимни, ҳурматимни изҳор қиламан ва шундан ҳузур топаман. Ҳар қачон шеър ва шеъриятдан ҳузур, роҳат топганман. Шеъриятни оғриқ дейди баъзи бировлар. Бироқ қалб оғриғидан келган ҳузурнинг гашти бошқача-да. Баъзи бировлар шеър жигар қонидан ёзилади, жоннинг азоби билан ёзилади, дейишади. Балки шундайдир. Лекин менда — уйқусиз қолсам ҳам, нимагадир улгурмасам ҳам, шеър ёзган вақтдаги ҳузур ё роҳатим доим бир хил. Мана шу лаззатдан айрилиб қолишдан Худо асрасин дейман.

**— Сизнингча ижодкорнинг шаклланишида муҳитнинг роли қандай?**

— Албатта, балиқ учун табиий ҳавза қанчалик зарур бўлса, ижодкор учун муҳит худди шундай аҳамиятга эга. Чунки қалби юмшоқ, ҳалим одам ҳам, вақти келса, муҳитга тушадиган бўлса, қаҳри қаттиқ, золим кимсага айланиши мумкин...

Одам учун эркин фикр, эркин сўз бирламчи, дейилади. Тўғри, лекин бунинг учун унинг оёқ-қўлидан фақат кишан эмас, кўнглидаги, руҳидаги тугунлар ҳам ечилиши керак. Инсон ҳар томонлама озод бўлиши шарт. Инсонни қўрқув эмас, идрок, ақл, қонунлар бошқариши керак. Шунда соғлом муҳит бўлади. Соғлом муҳитда яшаётган одамгина ҳақиқий эркин инсон бўлади. Биз ана шундай эркин, демократик жамият қуриш йўлида курашяпмиз. Бунинг учун биринчи навбатда, виждон ва сўз эркинлигини амалда тўла таъминлашимиз шарт.


Шеърият ихлосмандлари билан

**— Суҳбатларингизнинг бирида "Адабиёт — инсон руҳиятини тадқиқ этади, қалбини поклашга хизмат қилади", деган эдингиз. Бугун унинг яна қандай қирраларини кашф этдингиз?**

— Адабиёт яшаса, миллат яшар, деган ўлмас ҳикмат бор. Чунки адабиёт — сўзларнинг, шунчаки, тизмаси ё баёни эмас. Адабиёт — бу гўзаллик дегани. Адабиёт — инсон қалбини тарбия қиладиган, унга гўзаллик ато этадиган, сайқал берадиган қудратли куч. Мен учун яна бир долзарб жиҳати шуки, адабиёт — халқнинг руҳиятини белгилаб, характерини кўрсатиб, унинг ким эканлигини ўзига таништиришдан ташқари, тилини ҳам асрайдиган жуда катта восита. Унинг гўзаллигини сақлайдиган, йўқолиб кетишдан асрайдиган хазина. Ҳақиқий адабиёт қўшиқлар, фильмлар, спектакллар воситасида одамларнинг қулоғига кирган ақлли гаплар, чиройли сўзлардир. Мақоллар, маталлар — халқнинг бебаҳо бойлиги. Дадам раҳматли "Яхши топиб сўзлар, ёмон қопиб сўзлар" деган мақолни кўп айтарди. Топиб сўзлаган, чиройли сўзлаган инсоннинг қалби ҳам чиройли ва гўзал бўлади...

**— Бир сафар Бағдодга борганимда, дадангиз қишлоқ тарихи музейини ташкил қилганини эшитган эдим. Ҳозир шу музей фаолият кўрсатяптими?**

— Дадам раҳматли жуда фидойи инсон эди. Маҳалламизда, қишлоғимизда, туманимизда жуда кўп хайрли ишларни амалга оширган. Кўчалар асфальт бўлишига, хонадонларни газлаштиришга, кўприклар қурилишига бош-


Она дуоси — ижобат

қош бўлган. Ёш пайтимда мактаб қурилиши учун Тошкентга қатнаганларини эслайман. Халқни ўйлайдиган инсон эди. Қишлоғимиз қабристони ёнида ўтмишни хотирлайдиган музей қурган эди. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирларида биз ака-укалар дадамнинг ёнида туриб музейни тиклашга кўмак бердик. Бола эмасмизми, кўпинча биз бу ишлардан норози бўлардик. У ерда ишлаш, меҳнат қилиш ёқмасди. Ҳамма дам олаётган, таътил кунларини ўтказаётган пайтда биз — тўрт ака-ука ишлардик. Нима учун қабристон қошида бўляпти бу музей, деб ўйлардим. Ўшанда дадам айтардики, одам қабристонга кирганда фақат дўмпайган қабрларни кўрмасин. Шу музейга кириб, ота-боболарининг, яқинларининг суратларини кўриб фикрласин, мушоҳада қилсин, бу ҳаёт ўткинчи эканлигини, инсондан фақат яхшилик қолишини ўйласин, ундан сабоқ чиқарсин. Қишлоғимиз тарихини ёзган, эски ускуналар, китоблар, асори-атиқаларни тўплаб музей экспозициясини бойитган эди. Афсуски, бугун ана шу музей қаровсиз, ачинарли ҳолда ётибди. Эътибор берадиган одам йўқ. Туман раҳбарларидан илтимос қилдим. "Хўп, қиламиз", дейишади. Аммо натижа йўқ. Музейнинг доимий эгаси бўлса уни керакли жиҳозлар, экспонатлар билан тўлдиришга бажонидил ҳисса қўшардим. Шунда бу музей ўқувчилар келиб тарихимизни ўрганадиган, ота-боболаримизни танийдиган, ёшларга таълим-тарбия берадиган, уларнинг кўзини очадиган масканга айналарди, деб ўйлайман. Афсуски, ҳозирча бу ишлар амалга ошмай турибди. Янги йилга қадам қўйдик. Умид қиламизки, мен учун ҳам орзу бўлган бу ниятлар янги йилда амалга ошади.

**— Ортда қолган 2017 йил сизнинг ҳаётингиз, ижодингизда қандай из қолдирди?**

— Якунига етган йилда қорақалпоқ, тожик тилида китобларим чоп этилди. Самарқанд вилояти мусиқали драма театрида Алишер Навоий ҳақидаги "Самарқанд сайқали" асарим саҳнага қўйилганини, болажонлар учун ёзилган иккита китобим чоп этилганини катта ютуғим деб айтишим мумкин. Ўтган йил мен учун жуда қувончли йил бўлди. Ўғлим Улуғбекнинг Россияда бўлиб ўтган чеховхонлик танловида ғолиб бўлганидан, мукофотланганидан хурсанд бўлдим. Ўзбеклар Пушкинни билмайди, деган гаплар юрарди. Керак бўлса, Чеховни ҳам унча-мунчасидан яхшироқ биламиз, деган маънода ўғлимнинг ғолиб бўлганлиги ҳам ота, ҳам ўзбекнинг зиёлиси сифатида мени қувонтирди.

**— Китоб, китобхонлик ва китоб мутолааси ҳақидаги фикрингиз...**

— Китоб деганда, афсуски, биз кейинги пайтларда муқова орасидаги нимаики бўлса шуни тушунадиган бўлдик. Китоб — қоғозлар тўплами эмас, китоб асл тарбия воситасидир. Ҳозиргина айтиб ўтганимиздек, маънавиятнинг чиройли сурвати бўлади. Китоб деганда, биринчи навбатда, ҳаммамиз яхши биладиган муқаддас, азиз, қўл ювиб, таҳорат билан ушлайдиган китобларимиз хаёлга келади. Китобга ҳар биримиз ана шундай масъулият билан қарашимиз, унинг муқаддаслигини ҳис қилиб, англаб китоб ёзишимиз, чоп этишимиз ва ўқишимиз керак. Унга камида ана шундай муносабатда бўлишимиз зарур. Навоий ҳазратларининг адабиётларини, Бобур, Лутфий ғазалларини, Қодирий асарларини, Зулфия, Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Рауф Парфи, Омон Матжон ижодини кўз олдимизга келтириб, шу масъулиятни ҳис қилиб китоб чоп этишимиз лозим.

Президентимиз китобхонликни тарғиб қилишда ҳақиқий бадиий асарларни, юксак асарларни назарда тутаяпти, уларни катта нусхаларда чоп этиш кераклигини айтаяпти. Қалам аҳли ҳамиша ватанпарварликда, курашчанликда бошқаларга намуна, ўрнак бўлиши керак, деган ҳақли фикрларни илгари суряпти. Яратилган бугунги шароитлар, имкониятлар биз ижодкорларнинг чинакам бахти. Энг муҳими, бизнинг кимлигимизни англаган, эҳтиёжларимизни тушунган, ҳис қилган Юртбоши бизга бош бўлиб турибди. Мана шу бахтимизга ҳеч қачон кўз тегмасин дейман.

**"Milliy tiklanish" мухбири**
**Эркин ДОРИПОВ суҳбатлашди.**

### ХАЛҚ ИЧИНДА БЎЛ!

*Ўзбекистон – суянган тоғинг,*
*Ўзбекистон – ишонган боғинг.*
*Узилмасин ердан оёғинг,*
*Ҳақ билан бўл, халқ ичинда бўл!*

*Шаҳарларинг, даланг у билан,*
*Кафтингдаги лоланг у билан,*
*Келажагинг – боланг у билан,*
*Ҳақ билан бўл, халқ ичинда бўл!*

*Бирлашганнинг ўзганин қара,*
*Осмон қадар ўсганин қара.*
*Бирлашмаган тўзганин қара!*
*Ҳақ билан бўл, халқ ичинда бўл!*

*Сабоқ йўқдир буюк тарихдай,*
*Ким сочилиб кетди тариқдай.*
*Дарёга бош қўшган ариқдай*
*Ҳақ билан бўл, халқ ичинда бўл!*

*Пешонангда не бор – билмассан,*
*Балки мансаб майидан мастсан.*
*Халқ бўлмаса, ҳеч ким эмассан!*
*Ҳақ билан бўл, халқ ичинда бўл!*

*Бугун бизда дунёнинг кўзи,*
*Минг йилда бир давр келар ўзи.*
*Урмасин-а халқнинг нон-тузи,*
*Ҳақ билан бўл, халқ ичинда бўл!*

*Адолатдан тарози бўлса,*
*Ҳам ҳақиқат ҳамрози бўлса.*
*Ҳақ розидир халқ рози бўлса,*
*Ҳақ билан бўл, халқ ичинда бўл!*

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

***Қиш мавсумида аҳоли ўртасида консерва маҳсулотлари истеъмоли кўпаяди. Хонадон шароитида тайёрланган, сифати кафолатланмаган консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида аҳоли ўртасида овқатдан заҳарланиш — ботулизм касаллиги учраб туради. Бунинг сабаби оддий: уй шароитида консерва маҳсулотларини тайёрлашда зарур технологик жараён, санитария меъёрларига тўла риоя қилинмайди. Оқибатда консервадаги ботулизм споралари тез ривожланади ва ўзидан заҳарли токсинлар чиқаради.***

## БОТУЛИЗМ — САЛОМАТЛИК КУШАНДАСИ

Ботулизм споралари билан зарарланган консерва маҳсулотларининг ташқи кўриниши ва таъмида деярли ўзгариш кузатилмайди. Айрим ҳолатларда шиша идишнинг тунука қопқоғи шишади. Бундай маҳсулотдан заҳарланган одамда унинг белгилари пайдо бўлиши икки соатдан саккиз-ўн кунгача чўзилади. Беморда ҳолсизлик, кўнгил айниши, қайт қилиш, қорин соҳасида оғриқ пайдо бўлиши, жисмлар кўзига иккита бўлиб кўриниши (диплопия), ютиш ва гапириш қобилиятининг пасайиши, бўйин ва оёқ мушаклари заифлашиши каби касалликнинг клиник белгилари кузатилади. Хаста кишини уй шароитида ҳар ким ўз билганича даволаши қатъиян ман этилади.

Бундай вазиятда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш зарур. Акс ҳолда касалликнинг оғир шакллари — юрак, қон-томир ва нафас тизими хасталиклари юзага келиши, бунинг оқибатида беморнинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Ҳар қандай касалликлар каби ботулизмнинг олдини олиш ҳам инсоннинг ўз қўлида. Уй шароитида бодринг, помидор, паттисон ("сабзавотли ликопча") маринадлари, бақлажон икраси каби консерва маҳсулотларини тайёрлаш тавсия этилмайди. Бундай шароитда тайёрланган консерва маҳсулотларининг сифатига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Чунки консерва маҳсулотлари тайёрлашдаги зарур технологик жараёнлар, яъни консерва заводларидаги каби юқори босим остида 120-125 даража ҳароратда ўтказиладиган стерилизация жараёнини уй шароитида бажариб бўлмайди. Хонадон шароитида олча, олхўри, узум, шафтоли, ўрик каби мевалардан мурабболар, бодринг, помидор, карам каби сабзавотлардан сирли идишларда тузламалар, мевалардан қоқилар тайёрлаш мумкин.

Сифат сертификати, ёрлиқларига эга бўлмаган, бир сўз билан айтганда бозорларда, кўча-кўйларда ва белгиланмаган ноқонуний савдо расталарида сотилаётган истеъмол учун яроқсиз ҳисобланган консерва маҳсулотларини харид қилмаслик керак. Сотиб олинган ҳар бир озиқ-овқатнинг сақланиш шароити ва муддатига қатъий риоя этиш зарур. Истеъмол учун яроқлилик муддати ўтиб кетган колбаса, торт, пишириқлар ва бошқа қандолат маҳсулотлари ҳамда салатларни истеъмол қилиш ҳам соғлиқ учун зарарли.

ТУРФА ОЛАМ

## БИР ТЕРАБАЙТ СИҒИМГА ЭГА ФЛЕШКА

***АҚШнинг хотира карталарини ишлаб чиқаришга ихтисослашган "SanDisk" компанияси Лас-Вегасдаги CES (Consumer Electronics Show) истеъмолчилик кўргазмасида бир терабайтли (минг гигабайт) дунёдаги энг катта сиғимга эга флешкани тақдим қилди, деб ёзади "rozetked.me".***

Флешканинг эълон қилинган суратидан маълум бўлишича, унинг ўлчами ҳозир ишлатилаётган оддий флешкалардан деярли фарқ қилмайди. У маълумотларни нафақат компьютер, балки смартфонга узатишга имкон берувчи USB-C улагичи билан ҳам жиҳозланган.

Компания ушбу флешкани оммавий равишда ишлаб чиқариш, техник кўрсаткичлари, нархи бўйича ҳеч қандай маълумот бермаган. Айни вақтда 1 терабайт сиғимга эга қаттиқ дисклар 350 долларга баҳоланмоқда.

## "АҚЛЛИ" ЖОМАДОН



***Хитойнинг "90Fun" компанияси транспорт воситалари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи АҚШнинг "Segway" компанияси билан ҳамкорликда мустақил ҳаракатлана оладиган "Puppy 1" номли "ақлли" жомадон ишлаб чиқарди, дейилади "oane.ws" сайтида.***

Жомадон эгасининг изидан адашмай эргашади. Эслаб қолишдан ташқари, эгасининг буйруқларини бажаради: керак пайтда ҳаракатланиб, зарур пайтда тўхтайди.

"Ақлли" жомадоннинг ўлчами 50 квадрат сантиметрга тенг бўлиб, одатий ушлагичга эга. Ишланманинг нархи ҳозирча номаълум.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.**

### Эълон!

Республика санаторийлари фаолиятини қайта тиклаш ва модернизациялаш "Ўзбекистон" жамоат фонди Васийлик Кенгашининг 2017 йил 25 октябрдаги 17-сонли баённомасига асосан "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси томонидан 240,010 миллион сўм ҳомийлик пул маблағи ўтказилди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан Хуррамов Сарвар Абдуллаевичга 30.06.2008 йилда берилган В № 370859 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ
**Бош муҳаррир:** Беҳзод НОРБОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва халқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 116, Адади — 9370. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Исломжон ҚЎЧҚОРОВ
**Навбатчи:** Ойдин АЛИМАРДОНОВА
**Саҳифаловчи:** Жалолиддин ЎРИНОВ
**Электрон почта:** e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 23.00. Топширилди — 01.20.
ISSN 2010-7714
12 456